

**TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
HUZURIDAGI PEDAGOG KADRLARNI QAYTA
TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI
OSHIRISH TARMOQ MARKAZI**



TARIX O'QITISH METODIKASI

**Tarix fanlarini o'qitishda
innovatsion yondashuvlar**

**MODULI BO'YICHA
O'QUV-USLUBIY MAJMUA**



TOSHKENT

Mazkur o‘quv-uslubiy majmua Oliy ta`lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2023 yil 25-avgustdagi 391-sonli buyrug‘i bilan tasdiqlangan o‘quv reja va dastur asosida tayyorlandi.

Тузувчи: **Ж.Ж.Якобжанов** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси в/б доценти

Такризчилар: **М.Темирова** – Қўқон давлат педагогика институти “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири, т.ф.н.
Х.Матяқубов - Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

O‘quv-uslubiy majmua TDPU Kengashining 2023 yil 27-iyundagi 11-sonli qarori bilan nashrga tavsiya qilingan.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| I. ISHCHI DASTUR | 4 |
| АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ | 9 |
| ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ | 9 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ | 11 |
| 1. Тарих таълимида компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси..... | 40 |
| 2. Тарих фани ўқитувчисининг инновацион фаолияти..... | 40 |
| 3. Инновацион таълим муҳитида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш – педагогик муаммо сифатида | 40 |
| 4. Таълимда инновацион ва технологик ёндашувнинг мазмун-моҳияти | 40 |
| 5. Олий таълим тарих ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти | 40 |
| 1. Тарих таълимида компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси..... | 40 |
| Ўзбекистон ва дунёнинг ривожланган давлатларининг давлат таълим стандартларидаги таянч компетенцияларининг қиёсий таҳлили..... | 41 |
| V. Кейслар банки | 111 |
| 5 -гурухга топширик: Мавзу: Европада ўрта аср инквизиция судлари..... | 117 |
| VI. GLOSSARIY | 118 |
| VII. FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR | 122 |

I. ISHCHI DASTUR

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”да миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифати ошишига, Болонья жараёни иштирокчи мамлакатлари дипломларини ўзаро тан олишга, ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999 йил 19-июндаги Болонья декларациясига қўшилиш масаласини кўриб чиқиш белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим жараёнларига рақамли технологиялар ва замонавий ўқитиш усулларни жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, коррупцияга қарши курашиш, муҳандислик-техник таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар улушини ошириш, кредит-модуль тизимини жорий этиш, ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган тарих фанлари бўйича амалий машғулотлар улушини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га кўра мамлакатдаги олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли қарорида тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш; педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуксиз тизимини жорий қилиш; педагогик таълим соҳасининг таълим йўналишлари ва тарихлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, инновацион ўқув-меъёрий ва таълим ресурсларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш; соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш; педагог кадрлар буюртмачилари

эҳтиёж ва талабларини мунтазам ўрганиб бориш, улар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда педагог кадрлар тайёрлашнинг илмий асосланган истиқболли режаларини белгилаш ва уларни амалга ошириш; олий педагогик таълимга рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш пировардида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш; педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва уларда бошқарув фаолиятини такомиллаштириш; педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш; юксак маданиятли, амалий касбий кўникмага эга, тарбия, ўқитиш методлари ва баҳолаш мезонларини пухта эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш каби педагогика таълим соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60 сонли Фармонининг 77-мақсади Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантиришни кўзда тутди. Бу эса замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Ушбу дастурда Олий таълим тизимида тарих фанларини ўқитишнинг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар: малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурлари мазмуни ва унга қўйиладиган талабларни таҳлил қилиш. замонавий ёндашувлар асосида тарих фанлари бўйича назарий (маъруза, бинар-маъруза), амалий (семинар, лаборатория) ҳамда мустақил таълим машғулотларни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш, тарих фанлари бўйича талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичларини назорат ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. Тарих фанларига оид талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: Тарих ўқитиш методикаси таълим йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларида замонавий ёндашувлар асосида тарих фанларини ўқитишга оид янги билимлар, кўникмалар ҳамда малакаларни ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- Олий таълим тизимида тарих фанларини ўқитишнинг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар: малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурлари мазмуни ва унга қўйиладиган талабларни таҳлил қилиш;
- замонавий ёндашувлар асосида тарих фанлари бўйича назарий (маъруза, бинар-маъруза), амалий (семинар, лаборатория) ҳамда мустақил таълим машғулотларни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш;

- тарих фанлари бўйича талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичларини назорат ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Тарих фанларини ўқитишда инновацион ёндашувлар” модулини ўзлаштириш жараёнида:

Тингловчи:

- Олий таълим тизимида тарих фанларини ўқитишнинг жорий ҳолати ва мавжуд муаммоларни;

- тарих фанининг малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурлари мазмунини;

- Тарих фанлари мазмунига қўйиладиган талаблар ва уни танлаб олиш мезонларини;

- тарих фанлари бўйича таълимнинг инновацион шакл, методлари ва воситаларини танлаш мезонларини;

- тарих фанлари бўйича талабалар мустақил таълими мазмуни ва моҳиятини;

- тарих фанларига оид мустақил таълим турларини;

- тарих фанлари бўйича талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичларини назорат ва баҳолашнинг мазмунини;

- назарот ва баҳолашнинг турлари, шакллари, метод ва воситалари ҳақидаги **билимларга эга бўлиши;**

- тарих фанлари бўйича таълимнинг инновацион шакл, методлари ва воситаларини танлаш мезонларини танлаш;

- инновацион ёндашув асосида тарих фанлари бўйича назарий (маъруза, бинар-маъруза) машғулотларни ташкил эта олиш;

- креатив ёндашув асосида тарих фанлари бўйича амалий (семинар, лаборатория) машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- тарих фанларига оид мустақил таълим турларидан фойдаланиш;

- назарот ва баҳолашнинг турлари, шакллари, метод ва воситаларини танлаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

- компетенциявий ёндашув асосида тарих фанлари бўйича назарий (маъруза, бинар-маъруза) машғулотларни лойиҳалай олиш;

- тарих фанлари бўйича амалий (семинар, лаборатория) машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- креатив ёндашув асосида мустақил таълим топшириқларини ишлаб чиқиш;

- тарих фанлари бўйича талабалар мустақил таълимини ташкил этиш ва ўтказиш; тарих фанлари бўйича талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичларини назорат ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш **компетенцияларни эгаллаши** лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Тарих фанларини ўқитишда инновацион ёндашувлар” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши, шунингдек, маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологияларни;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

-

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модулар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Тарих фанларини ўқитишда инновацион ёндашувлар” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Касбий компетенцияларини ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Талабалар билимини баҳолаш” ҳамда “Тарих фанларининг долзарб муаммолари ва замонавий ютуқлари” каби модулар билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларини норматив-ҳуқуқий асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

| № | Модул мавзулари | Аудитория ўқув юклараси | | |
|----|---|-------------------------|---------|-----------------|
| | | Жами | Назарий | Амалий машғулот |
| 1. | Олий таълим ташкилотларида тарих фанини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари | 2 | 2 | |
| 2. | Инновацион ёндашув асосида тарих фанлари бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси | 10 | 4 | 6 |
| 3. | Компетенциявий ёндашув асосида тарих фанлари бўйича талабаларни мустақил таълимини | 6 | 2 | 4 |

| | | | | |
|----|---|-----------|-----------|-----------|
| | ташқил этиш методикаси | | | |
| 4. | Тарих фанлари бўйича талабаларни ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси | 6 | 2 | 4 |
| | Жами: | 24 | 10 | 14 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. (2 соат)

Олий таълим тизимида тарих фанларини ўқитишнинг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар. Малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурлари мазмунининг методик таҳлили. Тарих фанлари мазмунига қўйиладиган талаблар ва уни танлаб олиш мезонлари.

2-МАВЗУ: ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ. (4 соат)

Тарих фанлари бўйича таълимнинг инновацион шакл, методлари ва воситаларини танлаш мезонлари. Инновацион ёндашув асосида тарих фанлари бўйича назарий (маъруза, бинар-маъруза) машғулотларни ташқил этиш ва ўтказиш. Креатив ёндашув асосида тарих фанлари бўйича амалий (семинар, лаборатория) машғулотларини ташқил этиш ва ўтказиш.

3-МАВЗУ: КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. (2 соат)

Тарих фанлари бўйича талабалар мустақил таълими мазмуни ва моҳияти. тарих фанларига оид мустақил таълим турлари. Креатив ёндашув асосида мустақил таълим топшириқларини ишлаб чиқиш методикаси. Компетенциявий ёндашув асосида тарих фанлари бўйича талабалар мустақил таълимини ташқил этиш ва ўтказиш.

4-МАВЗУ: ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИ ЎЗЛАШТИРГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ. (2 соат)

Тарих фанлари бўйича талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичларини назорат ва баҳолашнинг мазмуни. Назарот ва баҳолашнинг турлари, шакллари, метод ва воситалари. Тарих фанларига оид талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ. (6 соат)

Тарих фанлари бўйича назарий (маъруза, бинар-маъруза) машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ишланмасини тайёрлаш. Тарих фанлари бўйича амалий (семинар, лаборатория) машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ишланмасини ишлаб чиқиш.

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. (4 соат)

Тарих фанлари бўйича талабалар мустақил таълими мазмуни ва моҳияти таҳлил қилиш. Тарих фанларига оид мустақил таълим турларини аниқлаш. Мустақил таълим топшириқларини ишлаб чиқиш. Тарих фанлари бўйича талабалар мустақил таълимини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси

3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИ ЎЗЛАШТИРГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ.

(4 соат)

Тарих фанлари бўйича талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичларини назорат ва баҳолашнинг мазмунини таҳлил қилиш. Назорат ва баҳолашнинг турлари, шакллари, метод ва воситаларини танлаш. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. Тарих фанларига оид талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, мотивацияни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ривожлантириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Бугунги кунда ўқитишнинг замонавий методлари таълим жараёнида кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методлар интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аталади. **Интерфаол методлар** деганда таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.




“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан

ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.

3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.

5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“ДАВРА СУХБАТИ” МЕТОДИ – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган.

Давра столи тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.


4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.



Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат

қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га

риоя қилиш;

- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



Методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.



"ФСМУ" методи

“ФСМУ”–(фикр, сабаб, мисол, умумлаштириш) методи мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу метод тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда баҳслашишга ҳамда шу

билан бирга баҳслашиш маданиятига ўргатади. Бу метод янги мавзуни чуқур ўрганишдан аввал тингловчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш, умумлаштириш, тингловчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини ёзма шаклда, далил ва исботлар билан ифодалашга ундайди.

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тарих фанидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

1-Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ технологияси орқали таҳлил қилинг.

2-Топшириқ: Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги давлат

бошқарувининг асосий фарқлари?



"ХУЛОСАЛАШ" (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. "Хулосалаш" методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



Иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



Машғулотнинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрафлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



Нвбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Намуна:

| Тарих фанидан Давлат таълим стандарти | | | |
|---------------------------------------|-----------|---------------|-----------|
| Собиқ стандарт | | Янги стандарт | |
| афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги |
| | | | |

Хулоса:



“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)

- кучли томонлари

W – (weakness)

- заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity)

- имкониятлари

T – (threat)

- тўсиқлар

Намуна: Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

| | | |
|----------|--|--|
| S | Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучли томонлари | |
| W | Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари | |
| O | Тарих ўқитишда “Хулосалаш” методдан фойдаланишнинг имкониятлари (ички) | |
| T | Тўсиқлар (ташқи) | |

Намуна: Анъанавий ва замонавий таълим шакллари “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

| | | |
|----------|---|---|
| S | Оддий дарсада ўқитувчи, тингловчиларга кўп маълумот бера олмайди | Замонавий дарсада камроқ маълумот берилади, бироқ улар тингловчилар онгига сингдириб берилади |
| W | Ўқитувчи асосан аълочи, қизиқувчи тингловчилар билан гаплашади, яъни дарсада оз сонли тингловчилар қамраб олинади | Замонавий таълимда дарсада кўп сонли тингловчилар қамраб олинади |
| O | Оддий дарсада фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида | Замонавий дарсада муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар |

| | | |
|----------|--|---|
| | гаплашилади | туғилиши мумкин |
| Т | Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, тингловчи учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти | Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, тингловчиларни мавзудан четга буришга интилишлари |



"Инсерт" методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёйиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

| Белгилар | 1-матн | 2-матн | 3-матн |
|---|--------|--------|--------|
| “V” – таниш маълумот. | | | |
| “?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак. | | | |
| “+” бу маълумот мен учун янгилик. | | | |
| “–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман? | | | |

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



“Пинборд” методи

Пинборд (инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий усул билан мослашдан иборат. Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гуруҳлаштириш

(классификация)ни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради). Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.

Ўқитувчи билан биргаликда флипчарт (маҳсус доска ва маҳсус қоғоз ёпиштириш имконини берадиган скотч) ёрдамида фикрлар жамланади, классификация қилинади, муҳокамада эса оптимал ечимлар бўйича аниқланади.

Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадиладар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- 1) яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
- 2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
- 3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
- 4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва варақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;

5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқиладди.

Маданият

| моддий маданият | маънавий маданият |
|-----------------|-------------------|
| | |
| | |



“Концептуал жадвал” методи

Концептуал жадвал методи - турли ғояларни, қарашларни ўзаро таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо беришга қаратилган органайзер ҳисобланади. Метод тингловчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда тингловчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда кечади:

Ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни аниқлайди

Тингловчилар мавзу ва методдан фойдаланиш қондаси билан таништирилади

Тингловчилар кичик гуруҳларга бириктирилади

Гуруҳлар ўзларига берилган топшириқни бажаради

Гуруҳлар ечимни гуруҳ жамоаси ҳукмига ҳавола этади

| Ўрганилаётган моҳиятини жиҳатлар | мавзу ёритувчи | Муҳим белгилар, тавсифлар | | |
|--|-------------------|---------------------------|---------------------|---------------------|
| | | 1-белги (тавсиф) | 2-белги (тавсиф) | 3-белги (тавсиф) |
| 1-жиҳат | | | | |
| 2-жиҳат | | | | |
| ... | | | | |

Намуна:

| Тарих дарсларида интерфаол таълим усулларидан фойдаланишнинг жиҳатлари | Муҳим белгилар, тавсифлар | | |
|--|---------------------------|---------------------|---------------------|
| | 1-белги (тавсиф) | 2-белги (тавсиф) | 3-белги (тавсиф) |
| “Ассесмент” | | | |
| “Инсерт” | | | |
| “Тушунчалар” | | | |
| “Брифинг” | | | |
| “Баҳс-мунозара” | | | |
| “Муаммоли вазият” | | | |
| | | | |



"Тушунчалар" методи

Методнинг мақсади: мазкур метод Тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай | Қўшимча |
|------------|-----------------------------|---------|
|------------|-----------------------------|---------|


| | маънони англатади? | маълумот |
|--------------------|---------------------------|-----------------|
| Тарихий манба | | |
| Тарихий адабиёт | | |
| Тарихий ҳужжат | | |
| Тарихий харита | | |
| Тарихий сурат | | |
| Тарихий фонограмма | | |
| Тарихий хат | | |
| Тарихий макон | | |

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.
4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари ишлаб чиқадиладар.
7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.
8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.



"Т-жадвал" технология

Технология таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қийслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда технология мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

Агар улар ёзилган фикрга қўшилсалар, биринчи устунда “+“ акс ҳолда учинчи устунда “-“ белгисини қўядилар.

Изоҳ: Ўқитувчи: Янги мавзунини баён қилади ва тингловчиларга икки қарама-қарши жиҳат ҳақида бошланғич маълумотларни беради;

- топшириқни яқка тартибда бажаришларини сўрайди ва 10 дақиқа вақт ажратади;

- вақт тугагач тингловчилардан изоҳларсиз ўз фикр – мулоҳазаларини ўқиб эшиттиришларини айтади;

- барча хулосалар тинглангач, умумлаштирилади ва якуний хулоса шакллантирилади.

Тингловчи: - мавзуни диққат билан тинглайди;

- ўзи учун зарур бўлган маълумотларни дафтарига қайд қилиб боради;
- берилган схема асосида тушунчага нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;

- яқуний хулосаси билан ўтирганларни таништиради;

- регламентга риоя қилади.

Кутиладиган натижа: Тингловчилар мавзу юзасидан зарурий билимларни ўзлаштиради, курснинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади

“Т-жадвал” технологияси

| Ўрганилаётган масала (ғоя, омил) | |
|----------------------------------|---------------------------|
| + (ха, ижобий) афзаллиги (ютуғи) | - (йўқ, салбий) камчилиги |
| 1. | 1. |
| 2. | 2. |
| ... | ... |

“Инновацион технологияларни дарсда фойдаланиш”

| Афзалликлари | Камчиликлари |
|---|--|
| “Қайтар алоқа”нинг таъминланиши | кўп вақт талаб этилиши |
| мотивациянинг юқори даражада бўлиши | тингловчиларни назорат қилиш имкониятининг пастлиги |
| ўтилган материалнинг яхши эсда сақла қолиниши | объектив баҳолашнинг қийинлиги |
| мулоқатга киришиш кўникмасининг такомиллашиши | ўқитувчининг ўзидан ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмасига эга бўлишининг талаб этилиши |
| ўз-ўзини ва бошқаларни баҳолаш кўникмасининг шаклланиши | ижодий шовқин бўлиши |
| мустақил фикрлаш | қайтар алоқанинг таъминланмаслиги |
| ХУЛОСА | |

Т-схема кўринишида вазифа

| Ҳа | Фикр-мулоҳазалар | Йўқ |
|----|--|-----|
| | Ўзбекистонда "Ташсельмаш", "Ўзбексельмаш", "Красний двигатель", "Подъемник" ва бошқа заводлар пахтачиликни ривожлантириш мақсадларига мослаштирилди. | |
| | 1950 йил Ўзбекистонда 2.220 минг тонна пахта тайёрланди. | |
| | Суғориш ишларини яхшилаш учун сунбий сув омборлари қурилди. | |
| | XX асрининг энг йирик экологик - “Орол фожеаси” вужудга келди. | |

| | |
|---|--|
| Ўзбекистон мамлакати пахта хом-ашё базасига айлантирилди. | |
| Ўзбекистон “Оқ-олтин”дан катта манфат кўрарди. | |



“Блиц-ўйин технологияси”

Сана ва воқеаларни тўғри хронологик кетма-кетликда жойлаштиринг.

Саналар – 395, VI аср, 527-565, 534, VI асрнинг ўрталари, VII аср, X-XI аср, IX-XI асрлар.

Тарихий воқеалар – Рим империяси икки мустақил давлатга бўлинди, Константинополь, Юстиниан I императорлиги даври, Юстиниан I Велисарийни шимолий Африкага жўнатди, Византиянинг заифлашуви славян қабилалари истилоларига йўл очди, Араб ҳалифалиги ҳужумлари натижасида Сурия ва Миср қўлдан кетди, императорлар амалдорлар, ибодатхоналар ва монастырларга кўплаб ер-мулклар инъом этадилар, феодал муносабатларнинг узил-кесил ўрнатилишига олиб келди.

| Йил, сана | Содир бўлган воқелик |
|-----------|----------------------|
| | |

“Венн диаграммаси” стратегияси

Стратегия тингловчи (тингловчи)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Стратегия тингловчи (тингловчи)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.



“Ҳамкорликда ўқитиш” методи

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – бирор нарсани бирга бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқиш, ўрганишдир!

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги:

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради. Бу кўникмалар ҳамкорликда ўқиётганларда бири бири билан рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга қараганда яхшироқ ривожланган. Хаттоки, ҳамкорликда бажарилган ёзма ишлар чуқур мазмунга эгалиги билан фарқланади.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ

аъзолари бетакрор ғояларни кўпроқ ишлаб чиқади, турли мақсадларга эришишда ва дарс жараёнида пайдо бўлган ҳар хил ўқув масалаларининг янги ечимларини топишда ижодий қобилиятлар ривожланиб боради.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади. Бугун гуруҳ бажарган топшириқни эртага ҳар тингловчи мустақил бажара олиши мумкин.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади. Ҳамкорлик билимларга кўпроқ қизиқиш учун ҳам шароитлар яратади. Машғулот ўтказиш усули қанчалик такомиллашган бўлса, тингловчиларнинг ўрганилаётган масалага қизиқиши ва фаолли ортиб боради.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфланади. Ҳамкорликда ўқиётганлар топшириқларни бажариш учун рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга нисбатан кўпроқ вақт сарфлайдилар.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий афзалликлари:

- ҳамкорликда ўқиётган тингловчилар бир-бирининг муваффақиятига кўмаклашади;

- ёрдам ва мадад берадилар ва ёрдамни қабул қиладилар, гап фақат ўқиш тўғрисида эмас, балки инсоний, дўстона муносабат тўғрисида кетаяпти;

- ахборот ва “моддий ресурслар”, яъни топшириқни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан алмашади;

- ўртоқлари берган маълумотларни ўзлаштиради ва қўллашга ҳаракат қиладилар. Оғзаки тушунтиришлар, ахборотни ўйлаб кўриш ва умумлаштириш, ўз билимлари ва кўникмаларини бошқаларга узатиш – буларнинг ҳаммаси билимларни тартибга солиш, уларни яхшироқ англаб ўзлаштириш ва умумий мақсадга эришишга шахсий улушини қўшишга олиб келади;

- тингловчилар бир-бири билан музокара олиб боришга ва далиллар келтиришга ўрганади. Интеллектуал майдондаги зидликлар қизиқувчанликни ривожлантиради, билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта англаш, ўрганилаётган муаммога чуқурроқ киришишга ундайди ҳамда бошқа кўп фойдали сифат ва кўникмаларни шакллантиради;

- тингловчилар яхшироқ ўқишга интилишда бир-бирига кўмаклашади. Ўқишда ўртоқларига ёрдам бераётган тингловчи ўзи ҳам сезиларли даражада яхшироқ ўқийди;

- бир-бирига таъсир этади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари ўртоқларига таъсир этишнинг ҳар қандай имкониятидан фойдаланадилар ва ўз навбатида таъсир учун очиклар;

- аниқ ифодоланган мотивацияга эга. Билимларни ўзлаштиришга интилиш умумий мақсадга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги меҳнат туфайли кучаяди;

- ўзаро ишонч шароитини яратади ва талабларни юқори даражада ушлаб туради. Гуруҳ аъзолари ўз ўртоқларига ишонадилар ва ўзларини ўртоқлари ишончини қозонадиган тарзда тутадилар, бу катта муваффақиятларга эришиш учун шароитлар яратади. Ўзаро ишонч – ҳар бирининг юқори ютуқлари учун яхши асос.

Ҳамкорликдаги ўқиш тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- гуруҳга битта топширик;

- битта рағбат: гуруҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;

- ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулияти;

- ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;

- муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

Гуруҳда ишлаш қоидалари:

Ҳар ким ўз ҳамкасблари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;

Ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур;

Ҳар ким ёрдамга муҳтож бўлганда уни сўраши зарур;

Ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;

Ҳар ким гуруҳ ишини натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур.

- Бошқаларга ёрдам бериб, ўзимиз тушунамиз!

- Биз битта кемадамиз: ёки бирга сузиб чиқамиз, ёки бирга чўкиб кетамиз!

Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномаси:

1. Гуруҳ лидерини сайланг.
2. Топшириқ билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг.
3. Топшириқни бажаринг.
4. Тақдимотга тайёрланинг.
5. Тақдимот ўтказинг.
6. Гуруҳ ишини баҳоланг.

1-босқич

Гуруҳ иш жойини тайёрлаш – стол ва ўриндиқлар шундай жойлаштириладики, бунда таълим берувчи аудиторияда эркин ҳаракатлана олсин, ҳар бир гуруҳ аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшитишлари керак, зарур ўқув қўлланмалар барчага етарли бўлиши керак.

2-Асосий босқич

1. Таълим олувчиларни гуруҳларга тақсимлаш – танланган кичик гуруҳларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гуруҳларга бўлади.

2. Ўқув топшириқларини тарқатиш – муаммоли вазиятни таклиф қилади, таълим олувчилар билан биргаликда уни эчиш йўли ва тартибини муҳокама қилади, гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қилади. Ҳар бири ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

3. Ўқув топшириқларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш. Гуруҳлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарқатади. Топшириқни баажаришда қандай қўшимча материалларидан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.

Доскада гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади.

4. Таълим олувчилар билан қайтар алоқани амалга ошириш Таълим олувчилар билан гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани муҳокама қилади; ҳаммалари уни тушунганларига ишонч ҳосил қилади.

5. Гуруҳларда ўқув топшириқни бажариш жараёнини ташкил этиш – ўқув топшириқни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қилади; Гуруҳ ишини назорат қилади. Гуруҳ ишини режалаштириш, вазифаларни гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаш, вазифани бажариш бўйича яқка тартибда ишлаш, яқка тартибда топилган ечимларни муҳокама қилиш, гуруҳ учун умумий ечимни ифодалаш, гуруҳ иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш, аниқ топшириқни баажариш учун зарур бўлган алоҳида бўлиб ишлашга, кўникмаларни шакллантиришга эътиборини қаратади. Иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим аниқ, ва самимий танбеҳ қилади.

6. Гуруҳ иши тақдимотини ташкил қилиш – бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гуруҳ вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини эслатади.

3-Назорат –якуний босқичи

Яқун ясаш – натижалар текширувини ўтказди: гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади; Гуруҳ ишини таҳлил қилади, топшириқ бажарилишининг яқунини қилади, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфини талаб этади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. (2 соат)

Режа:

1. Тарих ўқитиш методикасининг предмети ва унинг вазифалари
2. Тарих ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар
3. Тарих ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Таянч тушунчалар: Таълим, тарбия, бакалавр, талаб, малака талаблари, ўқув дастури, фан дастури, ўқув режа, таълим мазмуни.

Машғулот воситалари

Педагог учун;

Ўқув-методик қўлланма, методик тавсия, методик ишланма, ўқув дастури, дарс режаси, маъруза матни.

Талаба учун;

Дарслик, ўқув қўлланма, жадваллар, тарқатма материаллар, йўл-йўриқли технологик хариталар, типик хатолар харитаси, топшириқ варақаси, интерфаол усуллар.

Машғулот ўтказиш учун;

Плакатлар, моделлар, макетлар, жиҳозлар, аудиовизуал, техник ва реал воситалар бўлиши мумкин.

Ўқув мақсадлари

Фаннинг ўқув мақсадлари тармоқ стандартининг ҳар бир ихтисослик бўйича касбий тавсифномада келтирилган касб фаолият турлари, махсус талаблар, кўникма ва билимлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиши лозим, яъни тармоқ стандарти билан стандартлаштирилган ўқув дастурлари тўла мос келиши керак. Ўқитишда ўқув мақсадларини қўйиш услуби ўзига хос хусусиятга эга. Бу талабалар ҳаракатида ифодаланадиган ва аниқ кўринадиган натижалар орқали белгиланади. Ўқув мақсадларини аниқлаш, ўқитишни қайта такрорлаш

имконига эга бўлиш учун ҳар бир мақсадга эришиш мезонини билиш керак, яъни таълим мақсади шундай қўлланиши керакки, унга эришганлик ҳақида аниқ хулоса чиқариш мумкин бўлсин.

Мақсадларнинг қўйилиши...

Умумий мақсадлар - ДС, ўқув дастуридан ўтиладиган мавзу юзасидан талабаларда қандай билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш муҳимлиги аниқлаштирилиб, шу асосида машғулот мақсадлари белгилаб олинади.

Педагог мақсади;

1-таълимий машғулот жараёнида талабаларда дунёқарашни кенгайтириш, билиш фаолияти, билимларни амалиётда қўллаш, маълум кўникма ва малакаларни шакллантириш;

2-тарбиявий машғулот жараёнида талабаларда мустақиллик, ўзаро муносабат, ахлоқий йўналишларни, мустақил фаолликка асос бўлувчи мотивларни шакллантириш;

3-ривожлантирувчи машғулот жараёнида талабаларда диққат, нутқ, таққослаш, рефлексия, аниқ ечимларни излаб топиш кўникмаларини, машғулотга нисбатан қизиқишни ривожлантириш билан белгиланади.

Ўқув мақсадларини аниқлаштиришнинг аҳамияти

Ўқув мақсадларини, уларни алоҳида қисмларга ажратиб аниқлаштириш жаҳон педагогикасида кенг оммалашган. Бундай ёндашувга асосан ўқув мақсадларига эришилганликни яққол аниқлаш мумкин. Бунда ўқув мақсадлари тизими яратилиб, ўзаро боғлиқлик кетма-кетлигида жойлаштирилади, яъни уларнинг таксономияси тузилади. Ўқув мақсадларининг бу тизими халқаро миқёсда машҳур бўлиб, Блум таксономияси деб номланади.

“Таксономия” тушунчаси грекча - тартиб билан жойлаштириш бўлиб, биология фанидан олинган. У объектларни, уларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланиб ва тоифалари мураккаблашиб борадиган кетма-кетликда жойлаштириб туркумлаш ва тизимлаштиришдир. Блум таксономиясини қўллаш, ўқитиш мақсадларини умумлашган ҳолда баён қилиш имкониятини беради. Ундан фойдаланилганда педагог мақсадларни ажратади ва

аниқлаштиради ҳамда тартибга солади. Бу таксономия ёрдамида педагог нафақат ўқув мақсадларини аниқлаштиришга, балки уларни ўзаро боғлиқ бўлган катъий кема-кетликда жойлаштиришга муваффақ бўлади.

Ўқув мақсадлари соҳалари

Когнитив -билишга оид соҳа. Ўрганилган материални эслаб қолиш ва уни такроран айтиб бериш, ўзлаштирилган билимларни мустақил тўла англаш, уларни олдин ўрганилган услуб, усуллар билан уйғунлаштирилиб тасаввур этишгача бўлган муаммоларни ҳал этилишини ўз ичига олади.

Аффектив-ҳиссиётга оид соҳа. Оддий идрок қилиш, қизиқиш, қадрият йўналиш ва муносабатларини ўзлаштиришга тайёр бўлиш, талабаларни атроф-муҳитга нисбатан ҳиссий-шахсий муносабатда бўлишини шакллантирувчи мақсадлар киради.

Психомотор-ҳаракатга оид соҳа. У ёки бу ҳаракат фаолиятида, ҳаракат йўналишларини тез ўзгартириш, асаб-мускулларни мувоффиқлаштириб бошқаришни шакллантиришга оид мақсадлар киради.

Тингловчи мақсадлари

Когнитив ўқув мақсадлари соҳасида – талабалар назарий билимларни олади.

Психомотор ўқув мақсадлари соҳасида – олган назарий билимларини турли машқларни бажариш орқали мустаҳкамлайди.

Аффектив ўқув мақсадлари соҳасида – уларда келажакка умидворлик ҳисси уйғонади.

Методика - педагогика фани соҳасида маълум ўқув фанни ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади¹. Фанни ўқитиш методикаси – таълим тизимида ушбу ўқув фанининг аҳамияти ва ўрнини белгилайди, унинг вазифалари, ўқитиш мазмуни ва ҳажмини аниқлайди, ушбу фан бўйича қўлланилаётган усул,

¹ Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли луғат. - Т., Fan va texnologiya, 2008. Б. – 219.

шакл ва воситаларини ўз ичига олади. Тарих ўқитиш методикаси илмий педагогик фан бўлиб, ўқитиш жараёнининг самарадорлиги ва сифатини оширишга йўналтирилиб, у ўқувчиларга тарихдан пухта билим бериш, уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш ва камол топтиришда тарих курсининг мақсади, таълим-тарбия вазифалари, мазмуни, метод ва усулларини ҳамда тарих ўқитишнинг энг муҳим воситаларини белгилаб беради. Тарих ўқитиш методикасининг асосий фан сифатида ўрганишдан кўзда тутилган мақсад, тарих ўқитишнинг илмий асослари билан қуроллантиришдан иборат. Тарих ўқитиш методикаси – тарих таълим тизимида ушбу ўқув фанининг аҳамияти ва ўрнини белгилайди, унинг вазифалари, ўқитиш мазмуни ва ҳажмини аниқлайди, ушбу фан бўйича қўлланилаётган усул, шакл ва воситаларини ўз ичига олади. Тарих ўқитиш методикаси ўрганадиган муаммолар Г.Фузаилова томонидан муваффақиятли ёритилган. Мавзунинг мазмун ва моҳиятини ёритувчи аксарият мавзуларга жадвал, схемаларни киритган². Тарих ўқитиш методикаси ўзининг мустақил текшириш предметига эга. Таълим тизимида тарих фанининг ўқитилиши ва ўқитиш жараёнининг ўрганилиши тарих ўқитиш методикасининг предметини ташкил этади. Ўқитиш жараёнининг объектив суратда амал қиладиган ўз қонуниятлари бор. Уларни билиб олиш ва таълим-тарбия жараёнида бу қонуниятларга амал қилиш, улардан оқилона фойдаланиш таълим тизимида тарих ўқитишни илмий асосда олиб боришнинг муҳим шартидир. Тарих ўқитиш методикаси тадқиқ этадиган, ўқувчиларнинг пухта ва мукаммал билим олиши ва амалда суяниши керак бўлган тарих ўқитишнинг умумий қонуниятлари нималардан иборат ва улар таълим жараёнида қандай намоён бўлишини ўрганади.

2. 5110600-Тарих ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:
Бакалавр: - фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон риножлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга; -

² Сағдиев А., Фузаилова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиш методикаси. – Т.: ТДПУ, 2008. – Б. 5-13.

дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши; - хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши; - ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши; - тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши; - янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши; - соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим. Бакалавр: - таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга; - тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича маистратурада олий таълимни давом эттиришга; - кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

5110600-Тарих ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Педагогик фаолиятида: таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш; яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш; таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш; 3 таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларида унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва

ўтказиш; таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш қобилиятларига эга бўлиши керак. Илмий-тадқиқот фаолиятида: илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш; интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш; таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш; илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш; маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш; тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш қобилиятларига эга бўлиши керак. Маънавий-маърифий фаолиятида: маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш; ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши; глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш; маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш; миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳрмурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш қобилиятларига эга бўлиши керак. Ташкилий-бошқарув фаолиятида: педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш; жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш; фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш; бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга

оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

3. 5110600-Тарих ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5110600-Тарих ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг кунидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур: - гуманитар ва табиий илмий фанлар; - умумкасбий фанлар; - ихтисослик фанлар; 4 - қўшимча фанлар. Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт. Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт. Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим. Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки бўйича: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади; Табиий илмий фанлар бўйича: умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда ахборот-коммуникацион технологиялар, ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши; табиий ва илмий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ходисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни

шакллантириши; Умумкасбий фанлар блоки бўйича: математик ва табиий-илмий фанлар билан ихтисослик фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши; ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши; таълим оловчиларнинг умумкасбий маданияти ва интеллектини ривожлантириши; умумкасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши ҳамда муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши; касбий фаолиятнинг илмий соҳасидаги ўзгаришларни англаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, аниқ хулосалар қабул қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириши; замонавий таълим ва инновацион тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, касбий ўзўзини ривожлантириш йўналишларини белгилаб бериши; бирламчи манбалар асосида касбий билимларни ривожлантириш, касбий шаклланиш ва ижтимоийлаштириш имкониятини тақдим этиши; модели тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши; психика, шахс, фаолият, мулоқот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, ҳиссий ҳолатлар, индивидуал-хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ҳамда бўлажак педагог мутахассислар тамонидан психик тараққиёт қонуниятлари, даврлари, механизмлари, омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги замонавий илмий билимнинг ўзгартирилишини ташкил этиш; психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, психик ривожланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, 5 психик тараққиётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш; бўлажак ўқитувчиларни замонавий педагогик фанининг назарий-тарихий асослари ва ўқитувчи маҳоратига доир билимлар билан қуроллантириш, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида таълим-тарбия

жараёнини оқилона ташкил этиш, педагогик меросдан самарали фойдаланиш, реал таълим амалиётида юксак педагогик маҳорат ва ўқитувчи нутқи маданиятини намоён эта олишга ўргатиш; талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавийахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиш; ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариш, ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда таълим олганликни ташхис этиш қонуният ва тамойиллари билан таништириш; миллий ва жаҳон педагогик фикрлари тараққиёти билан таништириш ҳамда педагогик меросдан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш; глобал доирада таълим тизими ривожланишининг ҳолати, асосий йўналишлари ва қонуниятларини таҳлил этиш, миллий ва ҳудудий ўзига хосликлардаги умумий кўринишларни очиқ бериш, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий педагогик маданиятни бойитиш шакл ва методларини аниқлаштириш; талабаларни ўқитувчи фаолиятида касбий маҳоратнинг тутган ўрни, мазмун моҳиятига доир назарий билимлар ҳамда педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти, оғзаки ва ёзма нутқ маданияти, ўқувчилар билан алоқа ўрпатиш ва мулоқотга кириша олиш методикасини тўлиқ ўзлаштиришларига эришиш лозим. Ихтисослик фанлар блоқи бўйича: бакалаврият таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши; тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши; ихтисосликнинг аниқ касбий ва илмий йўналишлари билан таништириш, касб фаолияти хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакаларни таркиб топтириши; касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат)ни ривожлантириши; бўлажак касбий фаолият индивидуал методининг асоси сифатида, ўқув-педагогик ҳаракатларнинг репродуктив ва ижодий усулларини шакллантириш; муҳим касбий сифатларни

ривожлантириш, касбий ва шахсий ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириши; аниқ педагогик вазиятда маълум масалаларни ажратиб олиш ва уларни ҳал қилиш усули сифатида педагогик тафаккурни ривожлантириши; талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашишни таъминлаши лозим. Кўшимча фанлар блоки бўйича: талабаларнинг бакалавриат таълим фанлари бўйича кўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши; меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши; жамиятни педагогизациялаш шароитида педагогик профилактикани ташкил этиш ва амалга ошириш малакасини таркиб топтириши; касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши; б таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг мослашувчанлигини таъминлаши лозим. Танлов фанлари: Таълғш йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари. кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чицқан ҳолда танлов фанларитшг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

5110600 – Тарих ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин. Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур. Ўқув даврининг умумий ҳажми куйидагича тақсимланади:

- назарий таълим - 60.3%;

- аттестация - 9.3 %;
- таътил -15.7%;
- малака амалиёти - 11.8%;
- битирув малакавий иши - 2.9%.

Назарий таълим ҳажми “Гуманитар” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича кўйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий илмий фанлар 23,59 %;

умумкасбий фанлар 46.69 %;

ихтисослик фанлар 24.01 %;

қўшимча фанлар 5.7 %.

Назорат саволлари:

1. Олий таълимда Тарих ўқитиш методикасининг ўзига хос хусусиятлари нимада
2. Тарих ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ҳақида гапиринг
3. Тарих ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ҳақида гапиринг

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Абдуқодиров, Р.Ишмухаммедов. Таълимда инновацион технологиялар. - Т.: 2008.

2. Ахметова К.И., Файзуллаева Д.М., Хошимова Д.П. «Олий ўқув юртида инновацион таълим технологиясини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва уни амалга ошириш» мавзуси бўйича ўтказиладиган тренинг машғулотининг таълим технологияси: Услубий қўлланма /«Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси» сериясидан. - Тошкент: ТДИУ, 2010. - 80 б.

3. Фузаилова Г.С, Раҳматуллаева О.Р. Тарих фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси. Услубий қўлланма. – Т., ТДПУ, 2012.

4. Ганиева М., Файзуллаев Д., Неъматов И. Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами. - Тошкент: Иқтисодиёт, 2013.

5. Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун танлаш, амалга ошириш. экспресс қўлланма. - Тошкент: ТАСИС, 2001. - 38 б.

6. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув-услубий қўлланма. Инновацион таълим технология серияси. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2011. - 206 б.

7. Голиш Л.В., Хашимова Д.П. “Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” тренингнинг ўқув-методик материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 80 б.

8. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. - Т., Низомий номндаги ТДПУ, 2009.

9. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Тошкент: Нихол, 2013.– 279 б.

2-МАВЗУ: ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ. (4 соат)

Режа:

1. Тарих таълимида компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси
2. Тарих фани ўқитувчисининг инновацион фаолияти
3. Инновацион таълим муҳитида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш – педагогик муаммо сифатида
4. Таълимда инновацион ва технологик ёндашувнинг мазмун-моҳияти
5. Олий таълим тарих ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти

Таянч тушунчалар: Таълим, тарбия, таълим мазмуни, ўқитиш услублари, дарс, ўқитиш воситалари, инновация, технология, педагогик технология, интерфаол таълим, анъанавий таълим, педагогик маҳорат.

1. Тарих таълимида компетенциявий ёндашув ва компетенция тушунчаси

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадал ривожланиши кузатилмоқда. Таълим-тарбия жараёнига умумтаълим фанларини ўқитишнинг принципиал янги методологияси сифатида компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни жорий этиш сиёсий, умумдавлат ва дидактик аҳамиятга эга бўлган ҳодиса ҳисобланади.

Мазкур жараёнда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, узлуксиз таълимни давлат таълим

стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввало, уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминида қурилганига асосий эътибор бериш керак. Албатта, энг аввало, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги бугунги кун талаби, жамият эҳтиёжи, фан ва техниканинг ривожланиш тенденциялари асосида ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига боғлиқ.

XXI асрда дунёнинг ривожланган давлатларида таълим мазмунини модернизация қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида таълимда компетенциявий ёндашувни жорий этиш масаласига асосий эътибор қаратилмоқда. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатларини шакллантиришга йўналтирилган таълим ҳисобланади.

Мазкур масала бўйича Европа Кенгаши 1996 йилда —Европа учун таянч компетенциялар мавзусидаги симпозиум ташкил этиб, унда Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг узлуксиз таълим тизими учун дастлабки таянч компетенциялари белгиланган³.

Европа Парламенти амалий тажриба ва таклифлар асосида 2006 йил 18 декабрда Европа Иттифоқига аъзо давлатларга узлуксиз таълим тизими жараёнида шакллантирилиши лозим бўлган 8 та таянч компетенцияларни тавсия қилган.

Дунёнинг ривожланган давлатларининг давлат таълим стандартларидаги таянч компетенцияларнинг таҳлили бугунги кунда мазкур масалага қараш ва ёндашувлар ҳар мамлакатнинг таълимдан кўзлаган мақсади, имконияти ва шарт-шароитларидан келиб чиққанлигини кўрсатди.

Ўзбекистон ва дунёнинг ривожланган давлатларининг давлат таълим стандартларидаги таянч компетенцияларининг қиёсий таҳлили

| Давлатлар номи | Таянч компетенция лар сони | Таянч компетенцияларнинг номланиши |
|--------------------------------|-----------------------------------|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 6 та | 1. Коммуникатив компетенция. 2. Ахборот билан ишлаш компетенцияси. 3. Шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси. 4. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси. 5. Умуммаданий компетенция. 6. Математик саводхонлик, фан ва |

³ Совет Европы: Симпозиум по теме «Ключевые компетенции для Европы»: Док. DECS / SC / Sec. (96) 43. Берн, 1996.

| | | |
|--|-------------|--|
| <p>Европа Иттифокига аъзо</p> | <p>8 та</p> | <p>1. Она тилида мулоқот қила олиш (Communication in the mother tongue). 2. Чет тилида мулоқот қила олиш</p> |
|--|-------------|--|

| | | |
|---|--------------------|--|
| <p>давлат: Буюк Британия, Венгрия, Германия, Финляндия, Франция, Испания, Италия, Австрия, Бельгия, Болгария, Греция, Дания, Ирландия, Кипр, Латвия, Литва, Люксембург, Молдавия</p> | | <p>(Communication in foreign languages). 3. Математик саводхонлик, фан ва техника оид компетенциялар (Mathematical competence and basic competences in science and technology). 4. Ахборот технологияларидан фойдаланиш компетенцияси (Digital competence). 5. Ўрганиш учун ўқиш ёки мустақил билим олиш компетенцияси (Learning to learn). 6. Ижтимоий ва фуқаролик компетенцияси (Social and civic competences). 7. Ташаббускорлик ва тadbиркорлик компетенцияси (Sense of initiative and</p> |
| <p>Америка Қўшма Штатлари</p> | <p>4 та туркум</p> | <p>1. Фикрлаш йўллари ёки кўп қиррали фикрлашга оид компетенциялар - ways of thinking (креатив, инновацион, танқидий фикрлаш, муаммоларни мустақил ҳал қила олиш, қарор қабул қила олиш, ўрганиш учун ўқиш, метабилиш (metacognition). 2. Самарали ишлаш йўллари оид компетенциялар - ways of working. Жамоада, ҳамкорликда, биргаликда ишлай олиш, соҳаси бўйича самарали мулоқот қила олиш. 3. Меҳнат қилишнинг самарали методлари ва воситаларидан фойдалана олиш - tools for working. Ахборотлардан фойдаланиш саводхонлиги (informational cognition), АКТ соҳасидаги саводхонлик (ICT cognition).</p> |

| | | |
|--------------------------|---------|--|
| Жанубий Корея | 6 та | 1. Соҳа бўйича карьера қилишга оид компетенциялар (career inquiry skills). 2. Мустақил билим олиш компетенцияси (basic learning skills). 3. Муаммоларни ҳал қила олиш компетенцияси (problem-solving skills). 4. Креатив фикрлаш, ижодкорлик компетенцияси (creative skills). 5. Коммуникатив компетенция |
|--------------------------|---------|--|

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни алоҳида шакллантиришни эмас, балки уларни комплекс равишда эгаллашни тақозо этади. Шунга кўра, ўқитиш методлари ҳам ўзгаради.

“**Компетенция**”, “**компетентлик**” тушунчалари тилшуносликда илк бор XX аср ўрталарида Н.Хомский томонидан қўлланган бўлиб, тилни ишлатиш жараёнида —фаолиятга йўналтирилган билим, кўникма ва малакалар мажмуи сифатида¹, таълим соҳасида эса “**компетенциявий ёндашув**” сифатида талқин этилган бўлиб, таълимда натижавийликни кўрсатувчи омиллар сифатида қайд этилган⁵. Айтиш жоизки, луғатларда ушбу сўзнинг маънолари турлича изоҳланади. Чунончи, —Ўзбек тилининг изоҳли луғатида компетенция сўзи қуйидагича изоҳланган:

—**Компетенция** – (лот. competere – лаёқатли, муносиб бўлмоқ). 1) Муайян ташкилот ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доираси; ваколат. 2) Шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси⁶.

Русча-ўзбекча таржима луғатларда эса бу термин қуйидагича шарҳланган:

—**Компетенция** – 1. Бирор киши яхши хабардор, омилкор бўлган соҳа;
2.

юр. ҳуқуқ (вазифа, иш) доираси.‖

—**Компетенция** – 1. Бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала; 2.Ваколат, ҳуқуқ ихтиёр;

Компетентн/ый, -ая, ое, -тен, -тна – етарли маълумотга эга бўлган, пухта билимли, яхши биладиган, билимдон, хабардор, омилкор; 2) асосли, эътиборли, мўътабар; 3) компетенцияга, яъни ҳуқуққа эга бўлган; ваколатли;

Компетентлик – чуқур билимга эгалик; чуқур билимга асосланганлик, асослилик; хабардорлик, омилкорлик⁷.

Берилган изоҳлар таълим соҳасида компетенция сўзини лаёқат, компетентликни эса лаёқатлилик деб, **таълимга компетенциявий**

ёндашувни эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатларини шакллантиришга йўналтирилган таълим йўналиши, деб тушуниш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Тил таълимида компетенциявий ёндашув таълим олувчиларнинг ўрганаётган тили материалларидан ва олинган ахборотлардан ўз ҳаётий фаолиятида оқилона фойдалана олиш, шу тилда ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда мустақил ифодалаш ва нутқий вазиятларга мос равишда қўллай олиш

¹ Зимняя И.Н. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Ж.Высшее образование сегодня, № 5. – Москва, 2003. – С. 34-42.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. -267-б.


³ Русча-ўзбекча луғат /ЎзССР Фанлар академияси А.С.Пушкин номли Тил ва адабиёт институти /1-том. . – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 1983. – Б. 456.

кўникма-малакаларини таркиб топтириш, яъни тилни мақсадли равишда амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришдан иборат.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – эгалланган билим,

кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган таълим бўлиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-хунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларни ҳосил қилади.

Компетенциялар икки асосий турга: таянч ва хусусий компетенцияларга бўлинади.



Таянч компетенциялар инсоннинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини эгаллай олиш, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал эта олиш, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўла олиш кўникма-малакаларини таркиб топтиришга қаратилади.

Коммуникатив компетенция — ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олишни, мулоқотда муомала маданиятига амал қилишни, ижтимоий мослашувчанликни, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди.

Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси — медиаманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олишни, саралашни, қайта ишлашни, сақлашни, улардан самарали фойдалана олишни, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди.

Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси — доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, когнитивлик кўникмаларини ва ҳаётий тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллашни назарда тутди.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси — жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга

бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

Миллий ва умуммаданий компетенция — ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадиий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси — аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олиш, кундалик фаолиятда турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олиш, инсон меҳнатини энгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати. Мазкур компетенциялар умумтаълим фанлари орқали ўқувчиларда шакллантирилади.

Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда, шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, соҳага тегишли **хусусий компетенциялар** ҳам шакллантирилади. Жумладан, тарих фанини ўрганишда ўқувчилар **тарихий воқеликни тушуниш ва уни мантиқий изчилликда тушунтира олиш, тарихий манба ва адабиётлар билан ишлаш компетенцияларни** эгаллашлари талаб этилади.

1. Тарихий воқеликни тушуниш ва уни мантиқий изчилликда тушунтира олиш компетенциянинг қуйидаги компонентлардан иборат:

□ Ўзбекистон ва жаҳон тарихининг энг қадимги даврдан бугунги кунга қадар инсоният тарихида муайян из қолдирган муҳим воқеа ва жараёнлар ҳақида маълумот бера олади;

□ тарихнинг даврларини таққослай олади, таҳлил қилади, баҳолайди ва хулоса қилади, ёзма маълумот бера олади;

□ воқеа ва жараёнларни тарихий давр нуқтаи назаридан таҳлил қилади, баҳо беради, хулоса чиқаради, муносабат билдиради;

□ давлатларнинг ташкил топиши, давлат шакли, давлатдаги ижтимоий- иқтисодий-сиёсий жараёнлар, ички ва ташқи муносабатлар, ҳарбий салоҳият, инсоният цивилизациясида тутган ўрни ҳақида ёзма маълумот бера олади;

□ тарих фанидан олган билимларини бошқа фанлар билан боғлай олади.

2. Тарихий манба ва адабиётлар билан ишлаш компетенциянинг қуйидаги компонентлардан иборат:

- XX аср бошларидан бугунги кунгача кечган тарихий воқеликни баён

қилишда муҳим бўлган тарихий топономик атамалар мазмунини тушунтира олади;

- тарихий жараён ва воқеалар ҳақида маълумот беришда қўшимча адабиёт ва манбалардан фойдалана олади;

- тарихий-бадий асарлар, оммавий ахборот воситаларида берилаётган маълумотлардан фойдаланишда ва уларга муносабат билдиришда ахборот маданиятига риоя қилади.

Хулоса қилиб айтганда, таълимнинг юксак сифатини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий ислоҳотлар, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрланишини таъминлаш, умумий ўрта таълим тизимида фаолиятли ёндашувга асосланган таълим бугунги кун талабларига мос келмаётганлиги сабабли умумтаълим фанларини ўқитишнинг принципиал янги методологияси сифатида компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари, ўқув- методик мажмуаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо қилди.

2.Тарих фани ўқитувчисининг инновацион фаолияти

Ҳозирги кунда тарих фанларини ўқитишнинг муҳим муаммоларидан бири бу - мақсадли таълим-тарбияни йўлга қўйишдир. Ушбу долзарб масала хусусида Президентимиз И.А.Каримовнинг “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб- ҳунар таълим муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялар, ахборот коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мултимедиа тақдиротларидан фойдаланиш борасида илгари сурилган вазифалар бугунги кунда таълимни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тарих фанларини ўқитишда тарихий билим, тушунча ва тасаввурларни эгаллаш, уларни изоҳлаш, кўникма ва малакани шакллантириш орқали ўқувчилар интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни мақсад қилиб олинади. Тарих фанини ўқитишда қуйидаги инновацион фаолиятга эътибор бериш тавсия қилинади:

Машғулот воситалари

Педагог учун;

Ўқув-методик қўлланма, методик тавсия, методик ишланма, ўқув дастури,

дарс режаси, маъруза матни.

Талаба учун;

Дарслик, ўқув қўлланма, жадваллар, тарқатма материаллар, йўл-йўриқли технологик хариталар, типик хатолар харитаси, топшириқ варақаси, интерфаол усуллар.

Машғулот ўтказиш учун;

Плакатлар, моделлар, макетлар, жиҳозлар, аудиовизуал, техник ва реал воситалар бўлиши мумкин.

Ўқув мақсадлари

Фаннинг ўқув мақсадлари тармоқ стандартининг ҳар бир ихтисослик бўйича касбий тавсифномада келтирилган касб фаолият турлари, махсус талаблар, кўникма ва билимлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиши лозим, яъни тармоқ стандарти билан стандартлаштирилган ўқув дастурлари тўла мос келиши керак. Ўқитишда ўқув мақсадларини қўйиш услуби ўзига хос хусусиятга эга. Бу талабалар ҳаракатида ифодаланадиган ва аниқ кўринадиган натижалар орқали белгиланади. Ўқув мақсадларини аниқлаш, ўқитишни қайта такрорлаш имконига эга бўлиш учун ҳар бир мақсадга эришиш мезонини билиш керак, яъни таълим мақсади шундай қўлланиши керакки, унга эришганлик ҳақида аниқ хулоса чиқариш мумкин бўлсин.

Мақсадларнинг қўйилиши...

Умумий мақсадлар - ДС, ўқув дастуридан ўтиладиган мавзу юзасидан талабаларда қандай билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш муҳимлиги аниқлаштирилиб, шу асосида машғулот мақсадлари белгилаб олинади.

Педагог мақсади;

1-таълимий машғулот жараёнида талабаларда дунёқарашни кенгайтириш, билиш фаолияти, билимларни амалиётда қўллаш, маълум кўникма ва малакаларни шакллантириш;

2-тарбиявий машғулот жараёнида талабаларда мустақиллик, ўзаро муносабат, ахлоқий йўналишларни, мустақил фаолликка асос бўлувчи мотивларни шакллантириш;

3-ривожлантирувчи машғулот жараёнида талабаларда диққат, нутқ, таққослаш, рефлексия, аниқ ечимларни излаб топиш кўникмаларини, машғулотга нисбатан қизиқишни ривожлантириш билан белгиланади.

Ўқув мақсадларини аниқлаштиришнинг аҳамияти

Ўқув мақсадларини, уларни алоҳида қисмларга ажратиб аниқлаштириш жаҳон педагогикасида кенг оммалашган. Бундай ёндашувга асосан ўқув мақсадларига эришилганликни яққол аниқлаш мумкин. Бунда ўқув мақсадлари тизими яратилиб, ўзаро боғлиқлик кетма-кетлигида жойлаштирилади, яъни уларнинг таксономияси тузилади. Ўқув мақсадларининг бу тизими халқаро миқёсда машҳур бўлиб, Блум таксономияси деб номланади.

“**Таксономия**” тушунчаси грекча - тартиб билан жойлаштириш бўлиб, биология фанидан олинган. У объектларни, уларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланиб ва тоифалари мураккаблашиб борадиган кетма-кетликда жойлаштириб туркумлаш ва тизимлаштиришдир. Блум таксономиясини қўллаш, ўқитиш мақсадларини умумлашган ҳолда баён қилиш имкониятини беради. Ундан фойдаланилганда педагог мақсадларни ажратади ва аниқлаштиради ҳамда тартибга солади. Бу таксономия ёрдамида педагог нафақат ўқув мақсадларини аниқлаштиришга, балки уларни ўзаро боғлиқ бўлган қатъий кема-кетликда жойлаштиришга муваффақ бўлади.

Ўқув мақсадлари соҳалари

Когнитив -билишга оид соҳа. Ўрганилган материални эслаб қолиш ва уни такроран айтиб бериш, ўзлаштирилган билимларни мустақил тўла англаш, уларни олдин ўрганилган услуб, усуллар билан уйғунлаштирилиб тасаввур этишгача бўлган муаммоларни ҳал этилишини ўз ичига олади.

Аффектив-ҳиссиётга оид соҳа. Оддий идрок қилиш, қизиқиш, қадрият йўналиш ва муносабатларини ўзлаштиришга тайёр бўлиш, талабаларни атроф-муҳитга нисбатан ҳиссий-шахсий муносабатда бўлишини шакллантирувчи мақсадлар киради.

Психомотор-ҳаракатга оид соҳа. У ёки бу ҳаракат фаолиятида, ҳаракат

йўналишларини тез ўзгартириш, асаб-мускулларни мувоффиқлаштириб бошқаришни шакллантиришга оид мақсадлар киради.

Тингловчи мақсадлари

Когнитив ўқув мақсадлари соҳасида – талабалар назарий билимларни олади.

Психомотор ўқув мақсадлари соҳасида – олган назарий билимларини турли машқларни бажариш орқали мустаҳкамлайди.

Аффектив ўқув мақсадлари соҳасида – уларда келажакка умидворлик ҳисси уйғонади.

Олий таълим тарих ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти

Шу вақтгача анъанавий таълимда талаба (ёки ўқувчи) ларни фақат тайёр билимларни эгалашга ўргатиб келинганди. Бундай усул талаба (ёки ўқувчи) ларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, ташаббускорликни сўндирар эди. энди ўқув жараёнини янгиланган дастур ва стандарт талабларига жавоб берадиган замонавий дарслар асосида ташкил этиш даври келди.

Бошқача қилиб айтганда зерикарли дарслар ўрнига дарсларни ташкил этишга маъсулият билан ёндашадиган, касбий билимдон, методик маҳоратга эга, маъсулиятли, замонавий, интерфаол педагогик технологияни мукамал ўзлаштириб олган, инновациялар асосида таълимни ташкил эта оладиган ўқитувчиларга талаб ошиб бормоқда.

Инновация (инглизча инноватион)-янгилик киритиш, янгилик демақдир.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади.

Интерфаол (“Интер”- бу ўзаро, ”аст”- ҳаракат қилмоқ) - ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиятлари - билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим

олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талабаларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади.

Бу услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга:

- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши;
- талабаларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларини доимийлигини таъминланиши;
- талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши ;
- педагог ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этишлари мумкин.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиши табиий. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар талабалар эгаллаётган билимларларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқишларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида талаба асосий фигурага айланади.

Педагог олимларнинг йиллар давомида таълим тизимида

Нега ўқитамиз?

Нимани ўқитамиз?

Қандай ўқитамиз?

саволларига жавоб излаш билан бир қаторда қандай қилиб самарали ва натижали ўқитиш мумкин? - деган саволига ҳам жавоб қидирдилар.

Бу эса, олим ва амалиётчиларни ўқув жараёнини технологиялаштиришга, яъни ўқитишни ишлаб чиқаришга оид аниқ кафолатланган натижа берадиган технологик жараёнга айлантиришга уриниб кўриш мумкин, деган фикрга олиб келади.

Бундай фикрнинг туғилиши фанда янги педагогик технология йўналишини юзага келтирди.

Бугунги кунда таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётганлигининг асосий сабаби қуйидагилардир:

Биринчидан, педагогик технологияларда шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш имкониятининг кенглигида. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Иккинчидан, педагогик технологиялар ўқув-тарбия жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини беради.

Учинчидан, педагогик технология ўқитувчини таълим-тарбия жараёнининг мақсадларидан бошлаб, ташхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Тўртинчидан, педагогик технология янги воситалар ва ахборот усуллари кўллашга асосланганлиги сабабли, уларнинг қўлланилиши “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини амалга оширишни таъминлайди.

Ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса талабадан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади.

Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув-тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиққан ҳолда талабани ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганлигига боғлиқ.

Педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтайи назарларини асослашга имконият яратади.

Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновациён жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак.

Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларининг ўқув тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари-интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Педагогик технология ва уларни таълимда қўлланишига оид билимлар, тажриба талабаларни билимли ва етуқ малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Педагогик технология масалаларини ва муаммоларини ўрганаётган баъзи ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология- фақат ахборот технологияси билан боғлиқ ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ўқитишнинг техник воситалари, компьютер, проектор ёки бошқа техник воситалар. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи ўқитувчи ёки талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган технологияларига боғлиқ. Ҳар бир дарс мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор. Ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Педагогик мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти, улар қўйган мақсад, танлаган

мазмун, услуб, восита, шаклга яъни технологияга боғлиқ.

Ўқитувчи ва талабанинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган бўлиб, бунда талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб, ишлатиладиган технология танланади. Масалан, натижага эришиш учун балки, компьютер билан ишлаш лозимдир, балки филм(ёки тарқатма материал, чизма ва плакат, ахборат технологияси, турли адабиётлар) керак булар. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи ва талабаларга боғлиқ.

3. Инновацион таълим муҳитида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш – педагогик муаммо сифатида

Инсоният тарихий тараққиётининг мавжуд босқичи учун юқори технологияларнинг ривожланиши характерли хусусият касб этмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида илм-фан, техника, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда технологиялар соҳасида эришилаётган ютуқлар ўз навбатида мустақил Ўзбекистон томонидан ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишнинг истиқболларини белгиланишини тақозо этмоқда. Бинобарин, глобаллашув шароитида миллий давлатнинг автоном ҳолда тараққий этиши мумкин эмас ва бу ҳолат Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро тенглик, ҳамкорликка, ҳар бир соҳада умуминсоний тамойил ҳамда стандартларга эришиши зарурлигини англатади. Инсон капиталидан самарали, унумли ва мақсадли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда жаҳон миқёсида иқтидорли шахсларни аниқлаш, уларнинг қобилиятини янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитни яратиш тенденцияси шаклланган. Зеро, демография, табиий ресурслар танқислиги тобора долзарблашаётган бир вақтда прогрессив ёндашув инсоният тараққиёти, миллий ривожланишни белгиловчи омил инсон капитали эканлигини кўрсамоқда. “Сифатли таълим – малакали мутахассис – миллий тараққиёт” формуласи ихтиёрий олинган жамият ижтимоий диалектикасининг муҳим асосидир. Шунга кўра, етакчи давлатларда таълим

тизими бўйича ўзининг истиқболли ривожланиш концепциялари ишлаб чиқилган бўлиб, унда соҳада инқилобий ўзгаришларни кафолатловчи йўналишлар, муҳим ғоялар, устувор тамойиллар белгилаб берилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш масаласи давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида эътироф этилди. Бу борада изчил ислохотларнинг амалга оширилиши таъминланмоқда. Шунга қарамай, глобал ўзгаришлар миллий тараққиёт асосини белгилаб берувчи даъваткор ғояга эга бўлиш ижтимоий зарурият эканлиги б аён бўлмоқда. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси 2 илгари сурилди. Мазкур ғоя ўзида мавжуд шароитда “Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даври”³ юзага келишини таъминлашга хизмат қилади. Республикада учинчи ренессанс даврининг юзага келиши ва муваффақиятли кечиши, энг аввало, таълим тизимининг пухта асосланган механизмга эга бўлиши, малакали мутахассислар тайёрлаш миллий моделининг янада такомиллаштирилиши, кучли рақобатга бардошли кадрлар “армияси”нинг шакллантирилишига бевосита боғлиқ. Бунда асосий масъулият кадрлар тайёрлаш умуммиллий жараёнининг муҳим босқичи – ОТМ зиммасига юкланади. Зеро, ОТМнинг фаолияти – таълим ва тарбия тизими бўлажак мутахассисларда билим, кўникма, малака, тажрибадан иборат касбий компетентликнинг шаклланиш ва ривожланиш даражасини белгилаб беради. Педагогика йўналишида фаолият олиб бораётган ОТМда ўқитилаётган мутахассислик фанлари сирасида тегишли ихтисосликни ўқитиш методикаси ўзига хос ўрин эгаллайди. Айнан мана шу фан бўлажак ўқитувчиларни улар томонидан узлуксиз таълимнинг турли босқичлари – мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасаларида педагогик фаолиятни ташкил этиш, тегишли фан бўйича таълим жараёнини амалга оширишда самарадорликка эришиш йўл, шакл, метод, восита ва технологиялари билан таништиради. Шунингдек, педагогик фаолиятда самарадорликка эришишга имкон берувчи касбий компетентлик сифатларига эга бўлиш учун “пойдевор” яратади. Тарих ўқитиш

методикаси ва уни такомиллаштириш хусусида сўз юритишдан аввал “методика”, “ўқитиш методикаси”, “тарих ўқитиш методикаси” тушунчаларнинг луғавий маъносини билиб олиш талаб қилинади. Манбалардан бирида кўрсатилишича, “методика” атамаси луғавий жиҳатдан “амалий жиҳатдан ниманидир бажариш учун қўлланиладиган метод ва усуллар йиғиндиси” “нимадир ўқитиш ёки қандайдир ишни бажаришга оид қоидалар тизими, методларнинг баёни”; “қандайдир йўналтирилган ҳаракатни амалга оширишнинг тайёр “рецепти”, алгоритми, бажарилиш тартиби” маъноларини англатади. Н.А.Муслимов, Ў.М.Асқарова, М.Ҳ.Усмонбоева, Д.Сайфуров, Х.Рахматова ва бошқаларнинг эътирофига кўра, “методика” тушунчаси негизида: 1) маълум мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошириш чора-тадбири; 2) педагогик жараёнда реал қўлланиладиган усул ва воситалар моҳияти, аҳамияти, амалий қиймати, техник жиҳатларини очиб бериш алгоритми⁷; бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуи⁸ каби маънолар англанади. Ў.М.Асқарова, М.Ҳ.Усмонбоева “методика” атамасининг маъносини англаш учун унинг этимологиясига эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб топади. Улар томонидан эътироф қилинишича, юнон тилида “ика” (ека, тика, дика, тека) қўшимчаси “омбор”, “тўплам”, “йиғинди”, “жамланма” маъносини англатади. Масалан: Библиотека – “Библия”лар тўплами (йиғиндиси); аудиотека – аудио ёзувлар тўплами (йиғиндиси); видеотека – видео лавҳалар тўплами (йиғиндиси); аптека – рецепт бўйича тайёрланадиган дорилар омбори, тўплами (йиғиндиси); дискотека – диск (айлана, доира)лар тўплами (йиғиндиси). Шунга кўра луғавий жиҳатдан олганда “методика” тушунчаси “методлар тўплами, жамланмаси” маъносини англатади. Бироқ, назарий жиҳатдан методика фақат маълум фаолиятни ташкил этишда қўлланиладиган методлар йиғиндисинигина англантиб қолмай, балки, шакл, метод, восита ва усуллар йиғиндиси, жамланмасини ифодалайди⁹. М.Т.Студеникина “методика ўқитиш ва унинг ташкил этиш жараёнини такомиллаштириш, шунингдек, ўқитишда самарали бўлган асосий омилларни аниқлаш”¹⁰ эканлигига эътиборни қаратади. Бу ўринда айтиш мумкинки,

муаллифларнинг фикри тўғри. Дарҳақиқат, методика бевосита маълум ҳаракатни бажаришда самарали деб топилган шакл, метод, восита, усул, шунингдек, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда технологиялар мажмуидан таркиб топади. “Ўқитиш методикаси” тушунчаси ўқитиш ва методика атамаларининг йиғиндисидан ҳосил бўлган ва англаганидек, муайян фанни самарали ўқитилишини таъминловчи шакл, метод, восита, усул ҳамда технологиялар моҳиятини, улардан фойдаланиш йўллари ифодалайди. Фикримизни “ўқитиш (ёки таълим) методикаси” тушунчасига тадқиқотчилар томонидан берилган таърифларнинг мазмуни ҳам тасдиқлайди. Мисол учун, ўқитиш методикаси – у томонидан кўпроқ самараларга эришилишини таъминлаш мақсадида таълим жараёнини тадқиқ этувчи педагогик фанлар тармоғи бўлиб, у ўз ичига таълимнинг метод, қоида ва воситаларини олади. Гарчи “методика” ва у билан боғлиқ ҳолда “ўқитиш методикаси” тушунчаларининг шаклланиш ва тил истеъмолига киритилиш тарихи қадимги Греция билан боғлиқ бўлса-да, бироқ, ханузгача уларнинг назарий тавсифи тўғрисида ягона тўхтамга келинмаган. Бизнинг назаримизда, бунинг боиси – бажариладиган ҳаракат ва ўқитиладиган фан тармоқларининг ўзига хослиги, мақсаднинг турлича ифодаланиши, йўналишларнинг хилмахиллиги билан боғлиқ. Умумий ҳолда “ўқитиш методикаси” негизида “ўрганилаётган материални ўзлаштиришга қаратилган турли дидактик вазифаларни ҳал қилиш бўйича ўқитувчининг ўқитишга қаратилган ҳамда ўқувчилар томонидан ташкил қилинадиган ўқув-билиш фаолиятининг йўлга қўйилишининг йўллари; таълим вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилган ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро боғлиқ фаолиятини тартибга солиш йўллари; ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкиллаштириш йўллари”¹² акс этади. Манбаларда ўқитиш методикасининг автоном эмас, балки бир неча фанлар мажмуидан иборат эканлиги айтилади. Жумладан, ўқитиш методикаси “педагогика, психология ва лингвистика каби таянч фанларга таянади. Педагогика каби ўқитиш методикаси ҳам таълим масалалари билан шуғулланади. Бироқ, агар педагогика ўқитишни яхлит, умумий ҳолда ўрганса, методика асосий эътиборни муайян фаннинг

самарали ўқитилишига қаратади.

Бошқача айтганда, хусусий фанларни ўқитиш педагогикадан назарий тушунчаларни олади ва уларнинг тегишли фанни ўқитишга бўлган муносабатларини ўрганadi. Психология шахс руҳиятининг турли хусусиятларини, жараёнларини ва ҳолатини ўрганadi. Ўқитиш методикаси эса таълим жараёнида уларнинг қай биридан фойдаланиш, қай бирини инкор қилиш масаласини аниқлаштиради. Лингвистика – инсоний қарашларни белгили шаклда ифодалашни таъминловчи тил ҳақидаги фан бўлса, методика ушбу назарий билимларни қабул қилади ва амалиётга татбиқ этади. Бинобарин, таълим жараёнида, энг аввало, оғзаки ва ёзма нутқдан фойдаланилади”. Айтиб ўтилганидек, ўз моҳиятига кўра ўқитиш методикаси таълим муассасаларида турли фанларнинг ўргатилиш жараёнининг умумий тавсифини ёритишга хизмат қилади. Турли фанлар бўйича ўқитиш методикаси тегишли фаннинг ўзига хослиги, муҳим хусусиятлари, асосий (фан бўйича) ва жузъий (мавзулар бўйича) мақсади, вазифаларидан келиб чиққан ҳолда педагогик фаолият мазмунини ёритишга хизмат қилади. Манбаларда “Тарих ўқитиш методикаси” фанининг мақсади турлича ифодаланган бўлса-да, аммо у нарса аниқки, ушбу фан ўзида хусусий жиҳатларни намоён қилади. Айрим манбаларда “Тарих ўқитиш методикаси” фаннинг мақсади сифатида умумий педагогик мақсад баён қилинган. Жумладан, А.Р.Рахматуллаева томонидан яратилган “Олий таълимда тарих фанларини ўқитиш методикаси” модули бўйича ўқув-услубий мажмуада фан мақсади шундай баён қилинган: “Тарих ўқитиш методикаси ўқитувчиларни таълимнинг анъанавий ва ноанъанавий метод, усул, шакл, воситаларини, таълим жараёнини ташкил этишнинг методик асослари билан қуроллантириб, тарих таълими самарадорлигини оширишга хизмат қилади”. Жумладан, Т.Н.Глазырина дастлаб тушунчани таърифлаб, сўнгра тегишли фан мақсадини қуйидагича ифодалайди: Тарих ўқитиш методикаси – унинг самарадорлигини ошириш мақсадида тарих ўқитишни тадқиқ этувчи педагогик фан бўлиб, унинг мақсади бўлажак ўқитувчиларни тарих ҳамда жамиятшунослик курсларининг ўқув материаллари асосида таълим жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш ва

ривожлантиришга, уларда тарихий тафаккур, таянч компетентлик сифатларини шакллантиришга тайёрлашнинг қонуниятлари ва тарих ўқитиш малакаларини аниқлашдан иборатдир. В.В.Шоган, Е.В.Сторожакова Т.Н.Глазыринанинг фикрини тўлдирган ҳолда тушунчага қуйидагича таъриф беради: Тарих ўқитиш методикаси – ўқитишнинг вазифалари, мазмуни ва методлар тўғрисидаги педагогик фан бўлиб, у самарадорлик ва сифатни ошириш мақсадида тарих фанларини ўқитиш жараёнининг қонуниятларини ўрганади ва тадқиқ этади. Бизнингча, “Тарих ўқитиш методикаси” тушунчасини икки хил маънода талқин этиш мумкин. Биринчидан, “Тарих ўқитиш методикаси”, дараҳақиқат, педагогик фанлар туркумига кирувчи мутахассислик фани бўлиб, у тарих фанларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни самарали ўқитиш, бу борада истиқболли ривожланиш йўлларини тадқиқ қилади. Иккинчидан, тарих ўқитиш методикаси педагогик фаолият йўналиши бўлиб, таълимий ўзгаришлар, ўқитиш янги тенденциялари ва замонавий назарияларига кўра узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида фаолият олиб бораётган тарих фанларининг ўқитувчилари ўқув-билиш жараёнини ташкил этишга бўлган муносабатлари мазмунини ифодалайди. Барча фанлар каби “Тарих ўқитиш методикаси” фани ҳам муайян вазифаларни ҳал қилади. Ўқув предмети сифатида ҳал этадиган вазифалари хусусида тўхталишда “Тарих ўқитиш методикаси” фанининг, биринчидан, талабалар, иккинчидан, амалиётчи-ўқитувчилар учун хизмат қилишини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис вазифаларни белгилашда ҳам ўқув предметининг субъектини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Агарда субъект талабалар бўлса, у ҳолда “Тарих ўқитиш методикаси” фани негизида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади: “талабаларни тарих ўқитиш методикасининг таркибий тузилмаси ва мазмуни билан таништириш; бўлажак ўқитувчиларни тарих ўқитиш методикасининг назарий асосларига оид замонавий билимлар, тарих фанларини ўқитишда қўлланиладиган муқобил ёндашувлар билан қуроллантириш; талабаларда тарих фанларини ўқитишда юқори самарадорликка эришиш учун зарур бўлган амалий кўникма, малакаларни шакллантириш; талабаларни ўқувчиларда миллий онг ва

ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашга, шунингдек, тарихий воқеа, ҳодисаларни ҳамда замонавий жамият ривожига оид далилларни холис тушунтириш малакаларини ўзлаштиришга тайёрлаш; бўлажак ўқитувчилар томонидан замонавий педагогларга қўйиладиган талабларнинг англанишини таъминлаш; талабаларда касбий жиҳатдан ўсиш, ўз устида мустақил ишлаш, ўз ўзини касбий такомиллаштириш лаёқатини ривожлантириш”. Борди-ю, “Тарих ўқитиш методикаси” фани амалиётчи педагоглар учун хизмат қилса, у ҳолда қуйидаги педагогик вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши талаб қилинади: тарих фани ўқитувчиларини “тарих фанларини ўқитиш методикасининг илмий асослари, тарихчи педагогларни тарих таълими методи, шакллари, воситалари ва технологиялари билан таништириш; уларда ўқув дастурларини яратиш, назарий ва методик маълумотларини самарали излаш, назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик материалларни тўплаш ва уларни саралаш; назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлаш, шунингдек, ўқув топшириқларининг турларини белгилаш ҳамда ўқув топшириқлари тўпламини шакллантириш; ўқув топшириқлари учун иш қоғозларини ҳамма ўқув фанлари бўйича жорий, оралик ва якуний назоратлар учун синов топшириқларини тайёрлаш малакаларини шакллантириш. Фанни ўқитиш асосида талабаларнинг тарбия мақсадлари, ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда дарсларнинг аниқ ўқув-тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларини аниқлаш; ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турли шаклларини қўллаш; ўқув предмети бўйича барча шаклларда ўқув машғулотларини ташкил этишни режалаштириш ва методик жиҳатдан таъминлаш; ўқувчиларнинг таълим олганлик, ривожланиш ва тарбияланганлик даражасини кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш; педагогик фаолиятга нисбатан тадқиқий ёндашиш малакаларига эга бўлиш имконияти таъминланади. Ф.Ф.Турсунов ҳуқуқ фанларини ўқитиш мисолида “ўқитиш методикаси” тушунчасини шундай изоҳлайди: ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси – таълим муассасасининг фаолият йўналиши, соҳани ривожлантириш концепциясининг моҳияти, бўлажак мутахассиснинг касбий-ҳуқуқий компетентлигига қўйиладиган талабларни

инобатга олган ҳолда юридик материалларни танлаш асосида талабаларни назарий ва амалий жиҳатдан касбий фаолиятга тайёрлашга, ҳуқуқ таълими сифатини яхшилаш, ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида таълим шакли, методи, восита ҳамда технологияларини такомиллаштириш хизмат қилувчи ўқув фани. Бу изоҳ муайян фан (ёки фанлар)ни ўқитиш методикаси ўқув предмети сифатида таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишларни инобатга олган ҳолда талабалар томонидан назарий ҳамда амалий билимларни пухта ўзлаштирилиши учун зарур бўладиган педагогик шароитни яратишга хизмат қилади. Бунда хориж ва миллий таълим тажрибасида самарадорлиги тасдиқланиб, ўқитиш жараёнининг қизиқарли, мазмунли, фойдали, унумли бўлишини таъминловчи шакл, метод, восита ва технологияларни танлашга эътибор қаратилади. Айни ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, хусусий фанларни ўқитиш методикаси интеграл (бир неча турдош фанлар хусусиятларини умумлаштирувчи, муҳим жиҳатларни синтезловчи) фан саналади. Мисол учун ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси мазмунан “Конституциявий ҳуқуқ”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Меҳнат ҳуқуқи”, “Оила ҳуқуқи”, “Жиноят ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Экология ҳуқуқи”, “Хўжалик ҳуқуқи”, “Халқаро ҳуқуқ” каби фанларнинг индивидуал хусусиятларини ўзаро уйғунлаштирган ҳолда самарали, аҳамиятли бўлган методик таъминотни яратиш йўллари кўрсата олиши зарур. Хусусий фанларни ўқитиш методикаси фани бўлажак педагогларни таълим жараёни учун мавзу, у юзасидан тақдим этилаётган материал, талабаларнинг ўқув-билиш фаоллиги асосида ўқитишнинг шакл, метод, восита ва технологияларини мақсадли танлашга оид маълумотлар билан қуроллантириб, уларни амалий жиҳатдан мустақил педагогик фаолият юритишга тайёрлайди. Замонавий шароитда мазкур фан ўз моҳиятига кўра бўлажак педагогларни ахборотлар билан ишлашга тайёрлайди. Бу жараёнда талабаларнинг зарур, муҳим ва фойдали ахборотларни излаш, уларни саралаш, қайта ишлаш ва ўқувчилар эътиборига ўқув топшириқлари сифатида тақдим этиш, ўқитиш жараёнида компьютер ва мультимедиа технологиялари, рақамли таълимий ресурслардан

самарали фойдалана олиш қобилиятини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Амалиёт хусусий фанларни ўқитиш методикаси фанининг ҳам педагоглар ҳам талабалар учун бирдек аҳамиятли эканини кўрсатди. Бир томондан, мазкур фан ёш, етарлича ёки умуман, иш тажрибасига эга бўлмаган педагоглар учун методик йўриқнома бўлиб хизмат қилади. Иккинчи томондан эса талабаларни ўқитиш жараёнининг умумий моҳияти, ташкилий-методик жиҳатлари билан таништиради. Фан ёрдамида талабаларда ўқитувчининг педагогик ҳамда ўқувчининг ўқув-билиш фаолияти моҳиятини тўла англаш, ўқувчиларни психологик жиҳатдан бошқариш, таълим мақсади ва вазифаларини белгилаш, ўқитишнинг самарали шакл, метод, восита, технология, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳоловчи усул ва методларни танлаш, ўқув топшириқларини шакллантириш, ҳар бир мавзу юзасидан методик таъминотни яратиш, ўқитиш жараёнида юзага келадиган зиддиятли вазиятлар, уларни оқилона ҳал қилиш компетенциялари ривожлантирилади. Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда асосий таянч тушунчани шундай таърифлаш мумкин: тарих (ёки тарих фанларини) ўқитиш методикаси – талабаларни таълим муассасаларида педагогик фаолият юритишга когнитив, эмпирик ва психологик жиҳатдан тайёрлаш, уларда методик компетенцияни ривожлантириш, тарих фанларини ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини таъминловчи ўқув фани. Ушбу фан мутахассислик фанларидан бири бўлиб, тарих фани ўқитувчиси учун зарур бўлган компетентлик сифатлари – касбий билимдонлик, тарихий жараёнларга холис баҳо бериш; тарихий материаллар (кўлёзмалар, архив материаллари, меъёрий ҳужжатлар, мемуар асарлар, солнома (йилнома)лар, тарихий мавзудаги монографик асарлар ва илмий мақолалар, “ҳалқ архиви”, “оғзаки тарих”) ҳамда ўқитиш воситалари (ўқув адабиётлари, турли тарихий даврларга оид хариталар, тарихий атамалар луғатлари, музей экспонатлари, археологик буюмлар, миллий-маданий ёдгорликлар) билан ишлай олиш; таҳлил ва синтез қилиш қобилияти, танқидий тафаккур, кучли хотира, ахборот маданияти, ҳуқуқий онг ва профессионал обрўга эгалик; изланувчанлик, креативлик; ижтимоий фаоллик;

касбий вазиятларга мослаша олиш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Тарих ўқитиш методикаси фанининг мазмунида замонавий педагогик тамойилларнинг устуворлиги таъминланади. Ушбу тамойиллар асосида талабаларни инновацион, муаммоли, интерфаол, лойиҳа, масофавий, компьютер, дастурий, модул, ҳамкорлик, индивидуал, ривожлантирувчи, табақалаштирилган ва мустақил таълим турлари, ўйин технологияси, шунингдек, уларнинг дидактик имкониятлари билан таништириш орқали уларда амалий ва илмий тадқиқотларни олиб бориш, ижодий лойиҳаларни амалга ошириш малакаларини ривожлантиради. Маълумки, ҳар бир ўқув фани аниқ мақсадни кўзлайди. Мақсад негизида фаннинг когнитив, дидактик ва эмпирик имкониятини баҳолаш мумкин бўлади. Шу нуқтаи назардан тарих (ёки тарих фанлари)ни ўқитиш методикаси ҳам аниқ мақсадга эришишга хизмат қилади. Тарих ўқитиш методикаси фани ўзида талабаларни тарих фанларини самарали ўқитишнинг устувор тамойиллари, самарали шакл, метод, восита ва технологиялари билан таништириш орқали педагогик фаолиятга тайёрлаш ҳамда уларда касбий компетентлик сифатларини тарбиялаш мақсадини ифодалайди. Мазкур мақсад негизида муайян таълимий вазифалар ҳал қилинади. Улар: тарих дарсларининг қизиқарли, самарали бўлиши учун инновацион шакл, метод, восита ва технологияларни аниқлаш; машғулотнинг мавзуси, характери, талабаларнинг ўқув-билиш фаоллиги даражаси, кичик гуруҳларда ишлаш тажрибасига таянган ҳолда ўқув материалларини танлаш; таҳлиллаш ва синтезлаш асосида ўқув материалларини бойитиш; мавжуд ўқув материалларига таянган ҳолда методик таъминотни шакллантириш; шакллантирилган методик таъминот ёрдамида дарсларнинг сифатли бўлишига эришиш; талабаларда касбий компетентлик сифатларини ривожлантириш; ўзлаштирганлик даражасини ташхислаш ва баҳолаш. Назарий ўрганиш тарих фанларини самарали ўқитиш йўллари қуйидагилар эканини кўрсатди: таълим муассасаси, хусусан, тарих факультетининг ўқув-моддий асосини мустаҳкамлаш; ўқув аудиторияларини замонавий техника, инновацион технологиялар билан жиҳозлаш; таълим жараёнига малакали, маҳоратли,

компетентли ва креатив фикрловчи педагогларни жалб қилиш; пухта асосланган методик таъминотни шакллантириш; талабаларда мустақил, ижодий, танқидий ва креатив фикрлаш қобилиятни ривожлантириш; педагог ва талабалар ўртасида ижодий ҳамкорликни қарор топтириш; ўқув жараёнида тарихий билимлар тарғиботчиси бўлган муассасалар – музейлар, тарихий-маданий ёдгорликлар, тарихий аҳамиятга эга манзил ва объектлар фаолиятдан ўринли, мақсадли фойдаланиш; тарих факультетлари талабаларини фаол равишда археологик қазилмалар, тарихий-маданий экспедициялар, музейлар, архивлар, туристик агентликлар ва фирмалар ишига жалб қилган ҳолда уларда волонтер ёки ходим сифатида фаолияти кўрсатишлари учун шароит яратиш. Талабаларни туристик агентликлар ва фирмалар ишига жалб қилишда туризм фаолиятининг тарихий, меъморий (диққатга сазовор жойлар нуқтаи назаридан), маданий-тарихий мерос (маданий ресурслардан фойдаланишга кўра), тарихий-инқилобий, қаҳрамонлик-ватанпарварлик, ҳарбий-тарихий, архившунослик, табиий-тарихий (фаолият йўналишининг тематикаси бўйича) йўналишларида бўлишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотнинг объекти сифатида инновацион таълим муҳитида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёни танланган. Шундан келиб чиққан ҳолда “инновацион таълим муҳитида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш” тушунчасини ҳам назарий тавсифлаш мақсадга мувофиқдир. Муаммони назарий ва амалий ўрганиш натижаларига таянган ҳолда тушунчани шундай тавсифлаш мумкин: инновацион таълим муҳитида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш – тизимда кечаётган туб ўзгаришлар, хорижий ва миллий педагогиканинг замонавий ютуқларини инобатга олган ҳолда ОТМда тарих фанлари бўйича ўқув машғулотларининг сифатли, самарали ташкил этилишини таъминловчи методик таъминотни шакллантиришга қаратилган илмий-педагогик фаолият натижаси. Инновацион таълим муҳитида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштиришда ўқитишнинг самарали кечишига ёрдам берадиган инновацион шакл, метод, восита ва технологияларини танлаш, уларни бойитиш мақсади кўзланади. Ушбу мақсадга кўра тарих дарсларини қизиқарли, жонли, самарали ўқитишни

таъминловчи қуйидаги вазифалар белгиланди: таълим шакллари, методлари, воситалари ва технологияларини танлаш; улар ёрдамида дидактик ишланмаларни тайёрлаш асосида методик таъминотни шакллантириш; шакллантирилган методик таъминотни ўқув амалиётига жорий қилиш; амалиётга татбиқ қилинган методик таъминот ёрдамида талабаларнинг ўзлаштирганлик даражасини ташхислаш ва баҳолаш. Асословчи тажриба даврида танланган муаммони назарий таҳлил қилиш, талабаларнинг ўқув-билиш, педагогларнинг касбий фаолияти билан танишиш орқали мавжуд шароитда айнан интерфаол методлар ҳамда компьютер дастурлари тарих ўқитиш самарадорлигини таъминлай олишига ишонч ҳосил қилинди. Шу боис тарих ўқитиш сифати ҳамда самарадорлигини таъминлайдиган омиллардан бири сифатида интерфаол методлар ҳамда компьютер дастурлари танланди. Тадқиқот даврида ўқув машғулотлари ахборот-маъруза, муаммоли ва визуал маъруза; семинар машғулотларнинг семинарсухбат, маъруза ва рефератларни тинглаш, муҳокама қилишга асосланган семинар, аралаш семинар (маъруза ва муҳокама), семинар-мунозара, тарихий манбалар билан танишиш ва уларни шарҳлашга асосланган семинар, дидактик топшириқ ва ўқув кейсларни ечишга асосланган семинар, илмий тадқиқотларнинг натижаларини ўрганишга асосланган семинар, семинар-экскурсия; амалий машғулотларнинг дидактик, дидактик ўйинларига асосланган амалий машғулот, таҳлилий характердаги топшириқларни бажаришга ва ностандарт тестлар ечишга асосланган машғулот каби шаклларда ташкил этилди. Маълумки, талабаларнинг билимларни ўзлаштириш даражаси семинар ва амалий машғулотларда аниқланади. Шу билан бирга талабалар томонидан “Ўзбекистонда давлатчилик тарихи” фани ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва баҳолашда назорат ишлари ҳам алоҳида ўрин тутди. Шу сабабли тадқиқот даврида назорат ишларининг шаклини танлашга ҳам эътибор қаратилди. Респондент-талабаларни дидактик ўйин топшириқларни бажариш, тарихий атамалар луғатини тузиш, ўқув кейсларини ечиш, талаба сўровини, лойиҳа тақдимотини, тарихий маълумотларни ёдда 17 самарали сақлашга оид кўрсатма (эсталик)ни ва эксперт мулоҳазасини тайёрлаш, муайян мавзуларда

морфологик, концептуал ва тоифаловчи жадвал, идрок харитаси, кластер, синтезловчи диаграмма, қиёсловчи жадвалларни тузиш, тарихий хариталарни ўзаро таққослаш, ностандарт тестларни ечиш каби ўқув топшириқларини бажаришга жалб қилишда кутилган натижага эришилди. Тарих фанларини ўқитишда самарали методлар сифатида интерфаол, жумладан, “Барча омилларни ҳисобга ол!” (БОҲО), “Тоифалаш”, “Морфологик кути”, “Идрок харитаси” (“Ментал харита”), “Тезис-органайзер”, “Блиц-сўров”, “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (БББ) методлар танланиб, улардан мақсадли фойдаланилди. Шу билан бирга диссертант томонидан илмий ишланма сифатида “Визуал хронотоп” асосланди. Тадқиқотни олиб боришда тарих ўқитиш методикаси фани бўйича таълимни ташкил этишда самарали бўлган воситалар ҳам аниқланди. Улар қуйидагилардир: компьютер қурилмаси, компьютер дастурлари (Power Поинт, Хот Потатоес, МйТестХПро), интерфаол доска, диапроектор, телевизор, Интернет тармоғи, мобил телефон, Телеграм ижтимоий тармоғи, тарихий билимлар тарғиботчиси бўлган муассасалар – музейлар, тарихий-маданий ёдгорликлар, тарихий аҳамиятга эга манзил ва объектлар фаолияти. “Кейс-стади” ва ўйин технологиялари (дидактик ўйинлар) тарих фанларини ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган технологиялар сифатида танланди. Талабаларнинг “Ўзбекистонда давлатчилик тарихи” фанини ўзлаштириш кўрсаткичлари Т.Н. Глазыринанинг ёндашувига таянган ҳолда когнитив, эмпирик-операцион ҳамда кадрийатлирефлексив мезонлар билан баҳоланди. Даража кўрсаткичлари эса Б.Блум таксономияси бўйича юқори (таҳлил қилиш, синтезлаш, баҳолаш), ўрта (англаш, қўллаш) ва паст (билиш) тарзда белгиланди. Ўз хусусиятига кўра тарих фанлари автоном ҳолда ривожлана олмайди. Улар адабиёт, санъат, география, этнография, этнопедагогика, археология, жамиятшунослик, диншунослик, маданиятшунослик ва бошқа ўнлаб соҳалар билан ўзаро алоқадорлик ва бирликда ривожланади. Умуман олганда ҳар бир соҳанинг ўз шаклланиш ва ривожланиш тарихи мавжуд бўлиб, уни ўрганишда тарихий ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш муайян

тамойиллар устуворлиги асосида кечади. Маълумки, тамойиллар ҳар қандай фаолиятини туб моҳияти белгилаб берувчи етакчи назарий ғоялар бўлиб, унинг мақсади ва натижаси ўртасидаги узвийлик, изчиллик ва мунтазамликнинг таъминланишига олиб келади. Муаммони назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш умумдидактик тамойиллар (таълимнинг барча учун очиклиги, фанлараро алоқадорлик, ўқитиш жараёнида талабаларнинг ёш, психологик хусусиятларини инобатга олиш, индивидуал ёндашиш ва бошқалар) билан бир қаторда қуйидаги тамойиллар тарихни ўқитиш методикасини такомиллаштиришда аҳамиятли экани аниқланди (1-расм): 1. Концентризм тамоёили. Бу тамоёил муайян манбага бир неча марта такрор муружаат қилишни англатади. Концентризм тамоёилининг афзаллиги шундаки, у аввал ўрганилган билимларни такрорлаш асосида мустаҳкамлашга имкон беради. Гарчи манбага бир неча марта қайта муружаат қилинса-да, бироқ, ҳар гал ўзгача тарзда ёндашилади. Саволлар бевосита такрорланиши мумкин, аммо муаммонинг таҳлили учун ўрганилмаган янги жиҳат қабул қилинади. Концентризм тамоёилининг изчил қўлланилиши талабаларда хотирани 1-расм. Тарихни ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг устувор тамоёиллари Устувор тамоёиллар Тарихийлик ва ворислик Концентризм Методологик плюрализм Мунтазамлик, изчиллик ва тизимлилик Илмийлик ва назарий билимларнинг устуворлиги Герменевтик ёндашув кучайтириш билан бирга улар томонидан тарихий билимларнинг пухта ўзлаштирилишига хизмат қилади. 2. Методологик плюрализм тамоёили. Гносеологик (билиш назариясига оид) плюрализмнинг ўзига хос шакли бўлган ушбу тамоёил ўқитиш жараёнида тарихий воқеа-ҳодиса ва жараёнларга фикрлар хилма-хиллиги асосида ёндашишни англатади. Бинобарин, талабаларнинг билим, дунёқараш, ҳаётий тажрибалари бир-биридан фарқ қилади. Табиийки, тарихий воқеаҳодиса ва жараёнлар ҳам улар томонидан турлича талқин қилинади. Ўқитиш жараёнида методологик плюрализм тамоёили асосга нисбатан бир нечта ёки кўплаб мустақил позициялар мавжудлигини кўрсатади. Ушбу тамоёил устуворлигининг таъминланиши талабаларда фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Тенгдошларининг қарашлари, ёндашувларига

нисбатан ўз муносабатини билдиришга ўргатади. Аммо бу жараёнда педагогнинг маҳоратли раҳбарлиги талаб қилинади. Чунки, фикрлар хилма-хиллиги методологик асоснинг асл моҳиятини инкор этишга олиб келмаслиги зарур.

3. Мунтазамлик, изчиллик ва тизимлилик тамойиллари. Ушбу тамойиллари мактаб таълимида бўлгани каби ОТМда ўқиладиган тарих фанлари мазмунида ҳам инсоният тарихининг жуда қадим давридан бошлаб, бугунги кунгача бўлган ривожланишини босқичма-босқич ўрганилишини назарда тутаяди. Мунтазамлик ва изчиллик инсоният тарихидаги ҳар бир босқичнинг бир марта ўрганилишини, ўрганилган босқич негизида навбатдаги босқич хусусиятлари тўлақонли англанишига хизмат қилади. Тизимлилик талабалар томонидан миллат ҳамда инсоният тарихини ўзаро узвий боғланган ва бир-бирини тақозо қиладиган таркибий элементлар бирлигида ўрганишни тақозо қилади.

4. Илмийлик ва назарий билимларнинг устуворлиги тамойиллари. Тарихий воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳаққоний ёритилиши зарур. Бинобарин, шундагина уларни холис, тўғри баҳолашга эришилади. Илмий далиллар билан исботланмаган тарихий билимлар билан талабаларни таништириш уларда нотўғри тушунчаларни қарор топишига олиб келади. Тарих фанларини ўқитишда илмий изланишлар асосида исботланган далилларга таяниш талабаларни тарихий манбаларга нисбатан масъулиятли, жиддий ёндашишга одатлантиради. Зеро, тарихий далилларни нотўғри, ноҳолис талқин қилиш миллат ва халқнинг ўтмишига нисбатан ҳурматсизлик, келажакка нисбатан ишончсизлик демакдир. Тарих фанлари ижтимоий фанлар туркумига кирганлиги сабабли билимлар асосан баён услубига асосланади. Шунга кўра тарих дарсларида педагоглар асосий эътиборни талабаларнинг тарихий маълумотлар, далилларни назарий жиҳатдан тўғри талқин этишига қаратилиши зарур. Бу эса нафақат педагогнинг, балки талабаларнинг ҳам оғзаки ва ёзма нутқ малакаси, ахборот маданияти, коммуникатив қобилиятга эга бўлишларини тақозо қилади. Талабалар ўрганилаётган мавзу бўйича ўқув ахборотларини шунчали баён қилмасликлари керак. Аксинча, уларни ўрганишга таҳлилий, танқидий, ижодий ва креатив ёндаша олишлари зарур. Шундагина талабаларда

тафаккур қобилияти ривожланади, дунёқарашнинг бой бўлишига эришилади.

Тарихийлик ва ворислик тамойиллари. Инсоният, муайян миллат, элат, халқ ҳаётида рўй берган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга тарихий, шунингдек, етакчи (лидер)лар – халқ қаҳрамонлари, давлат ва сиёсий арбоблар, маънавий йўлбошчилар, лашкарбошиларнинг хатти-ҳаракати, фаолиятига давр нуқтаи назардан баҳо бериш, холис муносабат билдириш тарихийлик тамойили асосида амалга оширилса, аجدодлар томонидан ардоқланиб келинган кадриятлар – миллий анъана, урф-одатларга содиқлик ворислик тамойили асосида намоён бўлади. Шу билан бирга ворисийлик тамойили аجدодлар томонидан яратилган миллий бойлик ва кадриятларга эга ҳуқуқи авлодларга тегишли эканини ҳам англатади. Бироқ, бу ўринда авлодлар масъулиятни ҳис қилган ҳолда “асрлар мобайнида сақланиб, авайлаб асраб келинган ҳозирги давр учун аҳамиятли бўлган маънавий кадриятларнинг ахлоқ ва одоб нормаларини бошқа халқларнинг бу борадаги мероси билан боғлай билиш, ўтмиш меросига таяниб тараққиётни юксак босқичга кўтариш, тараққиётдаги узлуксиз алоқа ва боғланишни таъминлаш”га эътибор қаратишлари талаб қилинади. 6. Герменевтик ёндашув тамойили. Мазкур тамойил тарихий атамаларни талқин қилиш, уларни бири фан соҳасидан иккинчи фан соҳасига кўчириш, тарихий воқеа-ҳодиса ва жараёнларни ёритувчи матнлар моҳиятини изоҳлашга хизмат қилади. М.Ф.Румянцеванинг фикрига кўра, тарихий манбани ўрганаётган тарихчи унинг моҳиятини ўз позицияси нуқтаи назардан талқин қилади. Бошқача айтганда, герменевтик ёндашув субъект сифатида бўлажак тарихчининг тарихий билиш объекти ёки субъектига нисбатан муносабатини акс эттиради. Бу тамойил тарихчига бошқаларнинг ёндашувлари асосида тарихий манбалар мазмунини англаш, улар ёрдамида ўз-ўзини англашга имкон беради. Тадқиқотни олиб боришда танланган муаммонинг умумий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёнининг модели яратилди (2-расм). Шундай қилиб, инновацион таълим муҳитининг шаклланиши барча соҳаларда бўлгани каби таълим жараёнида ҳам туб ислохотларни амалга оширишни тақозо этмоқда. ОТМда тарих фанлари бўйича

ўқув машғулотларининг сифатли, самарали ташкил этилишини таъминловчи методик таъминотни шакллантириш инновацион таълим муҳотида тарих ўқитиш методикасини такомиллаштириш тизимда кечаётган туб ўзгаришлар, хорижий ва миллий педагогиканинг замонавий ютуқларини инобатга олиш зарурлигини тақозо қилади. Такومиллаштириш жараёнида ўқитишнинг самарали кечишига ёрдам берадиган инновацион шакл, метод, восита ва технологиялар танланади. Асосий эътибор тарих ўқитиш методикасини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган интерфаол методлар ҳамда компьютер дастурларининг танланишига қаратилди. Бунинг натижасида “Ўзбекистонда давлатчилик тарихи” фани бўйича ташкил этилган ўқув машғулотларининг қизиқарли, самарали бўлишига эришилди.

4. Таълимда инновацион ва технологик ёндашувнинг мазмун-моҳияти

Янги муносабатларнинг ўзига хос жиҳати анъанавий таълимдагидан фарқ қилиб, ўқувчи-талабаларнинг мустақиллиги ва ўқув фаолиятини тақиқламасдан, балки белгиланган мақсадга йўналтириш, ўқув фаолиятини ҳамкорликда ташкил этиш, уларни фаолиятга онгли равишда йўллаш, бирор-бир фаолиятни буйруқ орқали амалга оширмасдан, балки самарали ташкил этиш орқали ўқувчи-талабаларда фан асосларини ўрганишга бўлган қизиқишларини орттириш, шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши ва имкониятларини чегараламасдан эркин танлаш ҳуқуқини бериш саналади.

Педагогик технология технологик ёндашувга асосланади. Технологик ёндашув деганда тайёр маҳсулот (ишлаб чиқариш технологиясига ўхшаш) олиш учун ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар тўплами тушунилиб, қўйилган мақсадларга эришишда кутилган натижаларни кафолатлайдиган усул методлари мажмуаси тушунилади. Агар метод билиш йўли, тадқиқот йўли ёки бирор фаолиятдаги маълум амалиёт ва назарий билимлар соҳасини эгаллашни ҳаракатлар, усуллар мажмуаси деб тушунсак, педагогик технологиянинг таълим усули, маълум маънода таълим-тарбия жараёнлари, воситалари, шакл ва методлари мажмуасини англатади.

Педагогик технологияни анъанавий ўқитиш методикасидан фарқловчи белгилари кўп. Педагогик технология анъанавий методикадан, аввало, мақсадларнинг қўйилиши ва унга эришиши билан фарқланади. Педагогик технология усули таркибий қисмига таълимнинг умумий мақсадлари (ўқитувчи ва талабанинг мақсадлари)ни ишлаб чиқиш, таълим мақсадларини назорат (тест) топшириқларида ўтказиш, мақсадга эришиш усуллари киради.

Лойиҳалаштириш фаолияти ўқувчи-талабалар билан ишлашни ташкиллаштиришнинг энг оммабоп шаклларидадир. Лойиҳалаш методи – ўқитишнинг ташкиллаштирилиши бўлиб, ўқувчи-талабалар режалаштириш ва амалий вазифаларни бажаришлари орқали лойиҳа кўринишида билим олади. Лойиҳалаштириш методини қўллаш натижасида лойиҳа (проект) кўринишидаги билим ўзлаштирилади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи ҳамкорлик педагогикасига таяниб, талабаларнинг биргаликда таълим олишлари амалга оширилади. Талабаларни ҳамкорликда таълим олишлари, таълим жараёнларини лойиҳалаштириш, талабалар билан ишлашни лойиҳалаштириш кабилар замонавий педагогик технологияларнинг асосий методлари ҳисобланади.

Ўқув-тарбия жараёнида вужудга келган янги педагогик муносабатлар мазкур жараёнда замонавий педагогик технологияларни қўллашни тақозо этади. Педагогика фани ва амалиётида турли хил ёндашувлар қўлланилади. Улар оғзаки, кўргазмали, тадқиқий, изланувчан, тизимли, функционал, комплекс, технологик, фаолиятли ёндашувлардир.

Ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш педагогдан ижобий ишлашни талаб этади. Педагог ўзида унга ёрдам берувчи ташқи имкониятлар, яъни, назарий-амалий, ўқув қуроллари ва воситалари мавжудлиги ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши керак. Педагог ўзидаги мавжуд маълумот ва имкониятлар асосида қаралаётган таълим йўналиши бўйича маълумотлар ҳамда илғор ўқитиш услубларини қўзлаган мақсадга йўналтириш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Педагогга шаклланган билим, кўникма, малака, ўқитиш воситалари, замонавий педагогик технологиялар имкониятларини мақсадга мувофиқ йўналтира олиш қобилиятлари мавжуд бўлиб, у давлат таълим стандартлари асосида таълим олувчига аниқ мақсадини белгилаб беради. Бу эса, ўз навбатида, педагогик технологияларни қўллаш режасини ишлаб чиқишга, яъни вазифаларини белгилаб олишга олиб келади. Белгиланган мақсад ва вазифаларни эътиборга олган ҳолда таълимнинг ҳаракатчан модели яратилади. Моделни ишлаб чиқиш асосан тизимли ёндашув услуби, мақсадлар тизимини яратиш ва унга эришиш кетма-кетлигига асосланган ҳолда олиб борилади. Таълим моделини яратиш замонавий таълим технологиясининг асосий талабларидан биридир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» педагогга рақобатбардош кадрлар тайёрлаш юзасидан замонавий талаблар мажмуини белгилаб беради. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуйидагилардан иборат, яъни:

- педагогнинг таълим бериш маҳорати;
- педагогнинг тарбиялай олиш маҳорати;
- таълим-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахс фазилати;
- таълим олувчиларнинг билимларини холисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топмоқда. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Таълимдаги ёндашувлар таркиби ўзгармоқда ва бошқача муносабатлар, педагогик менталитетлар ўрнатилмоқда. Таълим тизими янги ахборотлар билан ишлаш қобилияти ижодий ечимининг таълим дастурини индивидуаллаштиришга қаратилиши билан бойитилмоқда.

Таълим – педагогик жараённинг муҳим таркиби бўлиб, ўқувчи-талаба билан ўқитувчи (педагог) нинг шахсга йўналтирилган ўзаро муносабатлари ҳисобланади. Ижтимоий билимга тенг бўлган педагогик технологияларнинг ташкил топишида фаннинг роли ортиб бормоқда.

Замонавий педагогик технологияларнинг психологик-педагогик нуқтайи назардан такомиллашувининг асосий йўналишлари қуйидагилар билан ифодаланади:

- ўқувчи-талабанинг ёдлашдан эслаб қолиш функциясига ўтиши, яъни ўзлаштирилганини ишлатиш имконини берувчи ақлий ривожланиш жараёнига ўтиши;

- ўртача ўқувчи-талабага йўналтирилганликдан ўқитишнинг табақалашган

ва индивидуаллаштирилган дастурларига ўтиш;

- ўқувчи-талабанинг ташқи мотивасиясидан ички маънавий тартибга ўтиш.

Таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланишига ўтилмоқда. Бунда ҳар хил педагогик тизим билан ўқитиш технологиялари ўртасида боғлиқлик, амалиётда давлат таълим тизимининг янги шаклларининг апробасияси, ҳозирги замон шароитида ўтмишнинг педагогик тизимларини қўллаш муҳим ҳисобланади.

Педагогик технология пайдо бўлгунга қадар бошқа масалалар қаторида мураккаб қурилма ва жараёнлар ўрганиладиган таълим тизими доирасида айнан таълим жараёнини етарлича самарали лойиҳалаш қоидаси ишлаб чиқилмади. Бу бўшлиқни педагогик технология педагогнинг лойиҳалаштирилган ўқув жараёнига ижодий ёндашуви учун кенг ўрин қолдирган ҳолда тўлдиради. Педагогик технологиянинг ўзига хос томони шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига сўзсиз эришиш ўқув жараёнида лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзакиликда эмас, балки

режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларининг ташхисли текшируви ўқув жараёнининг барча қирраларини қайта ишлаб чиқиш даврига мужассамлаштириш имконини яратади. У асосан ўз ичига қуйидагиларни олади:

- таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- ўқувчи-талабаларнинг билим даражаларини дастлабки (ташхисли)

баҳолаш;

– бажариладиган ўқув ишлари мажмуаси (бу босқичда тескари боғланиш асосида зудлик билан таълим жараёнига тузатиш киритиш бўлиши лозим);

- натижани баҳолаш.

Ўқув мақсадларининг тўлиқ стандартлаштирилишининг меёри қуйидагича бўлиши мумкин:

- а) юқори, аммо мутлақ эмас;
- б) мутлақ.

Биринчи ҳолатда мақсаднинг мураккаблиги туфайли уни тўлиқ кузатувчан хатти-ҳаракатлар турига айлантириш имконини бермайди, давр тўлалигича қайта ишлаб чиқилмайди. Иккинчи ҳолатда конвейрли жараён бўлган таълимнинг репродуктив тури билан иш юритилади.

Ўқув жараёнининг барча босқичларида бутун тизимнинг асосий технологик жиҳати – ўқув жараёнининг сўнгги натижаларига йўналтирилганлигини кузатиш мумкин.

Умумий кўринишда педагогик технология таркибига қуйидагилар киради:

- идентификацияланган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадлари таксономияси;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига айлантириш;
- мақсадга эришиш усуллари;

– еришилган ўқув мақсадларини баҳолаш.

Педагогик технологияни тушунишнинг асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олади. Ўқитувчи (педагог) ўз олдига ўқувчи-талабалар ўқув материалининг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб, маълум билимларни эгаллаб, амалиётда қўллашга ўргансин деган мақсадни қўяди. Педагогик мақсадга эришганлик ёки эришмаганликни билишнинг аниқ воситалари бўлгандагина, ўқитувчи (педагог) ўзининг меҳнати самарали эканлигига ва танлаган методлари мақсадга мувофиқлигига ёки аксинча, самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин.

М.В.Кларин фикри бўйича ўқитувчи (педагог)лар томонидан мақсадларни белгилашнинг ўзига хос усуллари қуйидагича:

1. Ўқув материалининг режасидан келиб чиқиб, мақсадни белгилаш.
2. Мақсадни ўқитувчи (педагог) фаолияти орқали аниқлаш.
3. Ўқувчи-талабанинг интеллектуал, эмотсионал, шахсий ривожланиш ички жараёнлари ва қонуниятлари орқали ўқув мақсадини қўйиш.

Ўқитишнинг мақсади таълим мазмуни, ўқитувчи (педагог)нинг ёки ўқувчи-талабанинг фаолияти орқали белгилаш таълимда кутилаётган натижалар ҳақида аниқ таассуротга эга бўлишга имкон бермайди.

Умуман олганда, таълим жараёнида вазифаларни ўлчаш, аниқлаш, ўқитишни қайта такрорлаш имконига эга бўлиш учун ҳар бир мақсадга эришиш мезонини билиш керак, яъни таълим мақсади шундай қўйилиши керакки, унга эришганлик ҳақида аниқ хулоса чиқариш мумкин бўлсин.

Машғулот мазмуни деганда, талаба ўқитиш жараёнида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ҳамда характери тушунилади. Машғулот мазмунини лойиҳалашга киришилганда педагогик тизимнинг биринчи элементи - мақсад билан ўзаро фарқланадиган томонларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Педагогик тизимнинг мақсадини белгилашда, унинг талабалар ўрганиши

лозим бўлган рўйхати келтирилади ва улар машғулот мақсадини аниқлаш учун хизмат қилади. Машғулот мазмунини саралашда маълумотларнинг умумий ҳажмидан асосий қисми уларга етказилади. Дастурда машғулот материаллари тушунарли тарзда берилиши муҳим. Бунинг учун у маълум мураккаблик даражасида баён этилади. Шу боисдан дидактикада “оддийдан мураккабликка” қонидаси мавжуд. Бу қонидага машғулот мазмунини изчил ва кетма-кет ёритишда риоя қилинади.

Дастур ўқитиш даражаси илмий-назарий ва сиёсий жиҳатдан қандай бўлиш кераклигини, талабаларда дунёқарашнинг қайси қирраларини шакллантириш зарурлигини кўрсаса, дарслик бу муаммоларни аниқ тушунтириб беради. Машғулот мазмуни маълум қонуниятлар асосида дидактик тайёрланмас экан, уни белгилаган вақт давомида эгаллаш мураккаб кечади, баъзан бу мазмун талабаларнинг ўзлаштириш қобилиятига мос келмай қолади. Шунинг учун уларнинг билимларни эгаллашини осонлаштириш мақсадида машғулот мазмунига нимадир киритиш ёки педагогик технология тўплаган бошқа бир усулларни таклиф этиш керак бўлади.

5. Таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммолари.

Таълимда моддий баъза, стандарт, ўқув режалар, дастур ва дарсликлар қанчалик такомиллаштирилмасин, кутилган асосий натижага эришиш, чуқур ва пухта билим бериш, юқори сифатдаги ўзлаштиришга эришиш бевосита назарий ва амалий машғулотларни олиб борувчи ўқитувчининг ижодкорлиги, изланувчанлиги, малакасига, педагогик маҳоратига боғланиб қолаверади, ўқув-билув марказида эса ўқувчи турмоғини тақозо этади.

Ҳар қандай таълим ўқувчи шахсига, унинг қизиқиш, хоҳиш истагига, эҳтиёжига қаратилмоғи керак. Яъни таълимни индивидуаллаштиришга қаратилмоғи талаб этилади.

Енди таълимни индивидуаллаштириш нима? Деган саволга жавоб

берайлик:

- таълим жараёнини индивидуаллаштириш шундай ўқитиш усулики, бунда ҳар бир ўқувчи ўқув жараёнида фаол иштирок этиб, ўқув-билув жараёнига шахсий ҳисса қўшиши ҳисобга олинади;

- таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчининг услубий ёндашуви, тезкорлиги, ўқувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинади;

- ўқув-методик, психологик, педагогик ташкилий бошқарув ишларини олиб боришда ўқувчи шахси ўқув-билув марказида бўлади.

• **Индивидуал ёндашув нима?**

1. Гуруҳларда ишлаганда, ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этганда ҳар бир ўқувчи билан яккама-якка ишлаганда уларнинг шахсий хусусиятлари доимо ўқитувчи диққат марказида турмоғи, ҳисобга олинмоғи керак.

2. Ўқувчи билан мулоқот олиб борганда ҳам, унинг ўзига хосликлари диққат эътиборда тутилиши керак.

3. Таълим жараёнида ҳам, унинг қобилияти, имкониятлари назарда тутилиши керак.

4. Педагогик психологик жараёнларни олиб боришда ўқувчининг шахсий ривожланиш даражасини кўзда тутиш зарур.

Индивидуаллашган таълим принциплари:

- Индивидуаллаштириш - Ўқув жараёнининг бош стратегиясидир.

- Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш орқали шахсни ривожлантириш таъминланади.

- Ҳар бир ўқув предметини ўқишни индивидуаллаштириш орқали амалга ошириш кутилган натижани кафолатлайди.

Ўқитиш шаклларини индивидуаллаштириш билан интегратсиялаш шароити яратилади.

- Индивидуаллашган таълим ўқув жараёни сифат ва самарадорлигини таъминлайди.

- Индивидуаллашган таълимда кўникма, малака, билим олиш ўқувчининг қизиқиши асосида кечади.

- Мустақил ишлай олиш ўқувчининг умумўқув кўникмасини ривожлантиради, тараққий эттиради.

Демак, таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги ўқувчининг ўқув мазмунини ўзлаштиришга йўналтирилган мустақил мутолаа билан самарали шуғулланиши, мустақил фикр юритиши ва тафаккур фаолияти билан боғлиқ.

Интерфаол методларда дарс жараёнини олиб боришда ўқувчиларда кўйидаги хусусиятларнинг ривожланишини кўрсатиш мумкин.

- Ўқувчи ўқитилмайди, уни мустақил ўқиш, ўрганиш ишлашга ўргатилади.

- Бунда ўқувчилар мустақил равишда таҳлил қилиш орқали ўзлаштиришга, ижодий мулоҳаза юритишга, шахсий хулосалар асосида эркин фикр юритишга ўргатилади. Бизга ёт фикрларга қарши фикр юрита олиш, ўз позитсиясини ҳимоя қила олиш кўникмалари шакллантирилади.

- Ўқувчига билимлар тайёр ҳолда берилмасдан, билимларни дарсликлардан, интернетдан, турли бошқа манбалардан излаш, топиш, қайта ишлаш орқали унинг билим олиш малакаси шакллантирилади. Олган билимлари орқали ижодий мушоҳада юритиш, имконияти яратилади. Ўқувчини дарсликлар билан ишлаш, ўқиш, ўрганиш, конспект ёзиш, қўшимча адабиёт, справочниклардан фойдаланиб мустақил ўзлаштириш кўникмаларини эгаллашга ўргатилади.

- Синфдаги барча ўқувчиларнинг ўз қобилиятлари даражасида албатта ўзлаштиришлари кафолатланади. Бунда ўқувчининг ўзлаштирганлиги олган билимларини ҳаётда, амалий фаолиятда фойдалана олиш кўникма ва малакалари билан белгиланади.

- Барча ўқитувчи-ўқувчилар интерфаол методлар асосида ишлашни ўрганиб, уни ўз ўқув-билув фаолиятларига олиб кира олсалар барча ўқувчилар бир хил натижаларга эриша оладилар.

- Интерфаол асосда дарс жараёнини ташкил этилганда:

1. Ўқувчининг ўзаро фаоллиги ошади, ҳамкор, ижодкорликда ишлаш кўникмалари шаклланади.

2. Ўқув режа, дастур, дарслик, стандарт меёр, қўлланмалар, мавзу мазмуни билан ишлаш малакалари шаклланади.

3. Таълим мазмунини, матнини мустақил мутолаа қилиш, ишлаш, ўзлаштириш кундалик шахсий ишларига айланади.

4. Ўқувчи эркин фикр билдириш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, исботлай олиш, тасдиқлай олишга одатланади.

5. энг муҳими ўқув жараёнида дидактик мотивлар вужудга келади. Яъни ўқувчининг эҳтиёж, хоҳиш, истаги қондирилади. Ўқув-билув жараёнида ўқувчининг манфаатдорлиги ошади. Бу ҳолат ўқувчини ўқув мақсадларига эришишда юқори босқичга кўтаради.

Дарсни интерфаол методларда ташкил этишнинг қандай афзалликлари мавжуд:

- Ўқитиш мазмуни яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- Ўз вақтида *ўқувчи-ўқитувчи-ўқувчилар* орасида таълимий алоқалар ўрнатилади;
- Ўқиш усуллари таълим жараёнида турли хил кўринишларда кечади. (якка, жуфт, гуруҳ,, катта гуруҳлар).
- Ўқув жараёни ўқув эҳтиёжини қондириш билан юқори мотивацияга эга бўлади.
- Ўзаро ахборот бериш, олиш, қайта ишлаш орқали ўқув материали яхши эсда қолади.
- Ўқувчида ўзаро мулоқотга киришиш, фикр билдириш, фикр алмашиши кўникмалари шаклланади.
- Ўқув жараёнида - ўқувчининг ўз-ўзига баҳо бериши, танқидий қарашни ривожланади.
- Ўқувчи учун дарс кизиқарли ўқитилаётган предмет мазмунига айланади, ўқиш жараёнига ижодий ёндашув, ижобий фикр намоён бўлади.
- Ҳар бир ўқувчини ўзи мустақил фикр юрита олишга, изланишга, мушоҳада қилишга олиб келади.
- Интерфаол усулда ўтилган дарсларда ўқувчи фақат таълим

мазмунини ўзлаштирибгина қолмай, балки ўзининг танқидий ва мантикий фикрлашини ҳам ривожлантиради. Албатта, интерфаол дарсларни ташкил этишнинг ҳам ўзига яраша камчиликлари мавжуд.

1. Ўқув-билув жараёни кўплаб вақт сарфлашни талаб қилади.

2. Интерфаол машғулотларда барча ўқувчиларни кераклигича назорат этиб боришнинг имконияти бўлавермайди.

3. Жуда мураккаб материаллар ўрганилаётганда ўқувчилар муаммони тўлақонли, аниқ еча олмайдилар, бундай шароитларда ўқитувчининг роли паст бўлиши ҳоллари кузатилади.

4. Гуруҳларда ўқув жараёни кечаётганда кучсиз ўқувчиларнинг иштироки туфайли кучли ўқувчилар ҳам паст балл ёки баҳо олиш ҳоллари кузатилади.

Хулоса шуки, бундай шароитда ўқитувчи юксак ривожланган фикрлаш қобилиятига, муаммолар бўйича мушоҳада юритишга, муаммоларни ўз вақтида еча оладиган қобилиятга эга бўлиши керак.

Интерфаол усулларда дарсни ташкил этишда ўқувчи шахсини ривожлантиришни ўзига-ўзи замин яратишдан бошлаш керак.

Яъни ўқувчи:

- Ўзи мустақил мутолаа қилиш, ўқиш асосида билим олишга;
- Ўзини-ўзи англаб етишга, англаб тарбия топишга;
- Ўз кучи ва имкониятларига ишонч билан қарашга;
- Ўқув меҳнатига масъулият ҳисси билан қарашга;
- Ўз фаолиятини мустақил ташкил эта олиш, ҳар бир минутни ғанимат билишга;
- Ўқув меҳнатига ўзида хоҳиш-истак уйғота олишга;
- Ҳар қандай вазиятда фаоллик кўрсата олишга;
- Айниқса, ҳозирги тезкор ахборот манбаларидан унумли фойдалана олишни асосий ва бош мақсад қилиб олишга ўрганмоғи зарур.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ўқувчининг ўз-ўзини ривожлантириш технологиясини яратиш педагогика, дидактика фани олдида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардандир.

Кейинги вақтларда ўқитувчилар орасида шахсга қаратилган таълим нима, интерфаол усулда ўқиш нима учун зарур? Бу усул қачондан ўқув жараёнига кириб келган? Унинг қандай турлари мавжуд? Таркибий тузилиши қандай? Уни ўқув жараёнига қандай олиб кириш керак, уни аввалги усуллардан фарқи нимада каби саволларга дуч келамиз.

Бунинг учун шу кунларда мактабларимизда олиб борилаётган анъанавий дарсларни яна бир маротаба эслаб ўтиш жоиздир. Анъанавий ўқитиш ХВИИ асрда Чех педагоги **Ян Амос Коменский** томонидан таклиф этилган.

У ўқишнинг ягона классик тизимини ишлаб чиқиб, уни синф - дарс системаси деб юритади. Кейинчалик бу система педагогикада кенг тарқалган. Анъанавий мактаб синф-дарс тизими номини олиш у қуйидагича ўзига хос анъаналарга эга:

- Тахминан бир хил ёки яқин ёшли болалар тайёргарлик даражаси яқин болалар синфини ташкил этади.

- Синф ягона режа, дастур, дарс жадвали асосида ишлайди.
- Асосан машғулот тури ягона дарс ҳисобланади.
- Дарс маълум ўқув предмети, темага бир хил материал устида ишлайди.
- Ўқувчилар фаолиятини ўқитувчи бошқаради, ҳар бир ўқувчининг билим даражасини баҳолайди, йил охирида ўқувчини синфдан-синфга кўчиришни ҳам у ҳал қилади.

- Дарсликлар асосан уй ишини бажаришда, уйда қўлланилади.

Анъанавий дарс схемаси қуйидагича кўринишга эга.

Янги мавзунини —> Мустахкамлаш — Назорат — Баҳолаш - Ўрганиш

Анъанавий дарснинг концептуал ҳолати

- Илмийлик
- Ўқувчи табиатига мослиги
- Кетма-кетлик, тизимлилиги
- Тушунарлилиги
- Кўргазмалилик
- Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, амалда қўллай билиш.

Анъанавий дарснинг камчиликлари:

- Дарснинг бир қолипдалиги, бир хиллиги;
- Бошланғич маълумот берилиб, уни ўзлаштириш жараёни уйига режа, вазифа орқали амалга ошади;
- Ўқувчилар пассив эшитувчи ва мустақиллиги йўқ.
- Ўқувчилар бир-бири билан фикр алмашадилар, нутқий фикр алмашув амалга ошмайди;
- Қайта алоқалар йўлга қўйилмайди;
- Ҳар бир фаолият ўртача ўқувчига ёндашув асосида кечади;
- Таълим мазмуни асосан ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1. Таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг долзарб муоммолари нималардан иборат?
2. Ўқув жараёнида янгиланган дастур ва стандартларга жавоб берадиган замонавий дарсларни ташкил этишдан кўзланган мақсад нима?
3. Интерфаол дарсларни ташкил этишда ўқитувчининг вазифаси нималардан иборат?
4. Бугунги кунда педагогик фаолиятда юзага келувчи: Нега ўқитамиз? Нимани ўқитамиз? Қандай ўқитамиз? каби саволларга тўлиқ равишда қандай жавоб бериш мумкин?
5. Педагогик технология асосида ўтилган дарсларни анаънавий дарслардан устунлик жиҳатларига тўхталинг?
6. Таълимни индивидуаллаштиришда қандай жиҳатларга аҳамият қаратилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

10. А.Абдуқодиров, Р.Ишмухаммедов. Таълимда инновацион технологиялар. - Т.: 2008.
11. Ахметова К.И., Файзуллаева Д.М., Хошимова Д.П. «Олий ўқув юртида инновацион таълим технологиясини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва уни

амалга ошириш» мавзуси бўйича ўтказиладиган тренинг машғулотининг таълим технологияси: Услубий қўлланма /«Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси» сериясидан. - Тошкент: ТДИУ, 2010. - 80 б.

12. Фузаилова Г.С, Раҳматуллаева О.Р. Тарих фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси. Услубий қўлланма. – Т., ТДПУ, 2012.

13. Ганиева М., Файзуллаев Д., Неъматов И. Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами. - Тошкент: Иқтисодиёт, 2013.

14. Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун танлаш, амалга ошириш. экспресс қўлланма. - Тошкент: ТАСИС, 2001. - 38 б.

15. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув-услубий қўлланма. Инновацион таълим технология серияси. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2011. - 206 б.

16. Голиш Л.В., Хашимова Д.П. “Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” тренингининг ўқув-методик материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2014. – 80 б.

17. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. - Т., Низомий номндаги ТДПУ, 2009.

18. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Тошкент: Ниҳол, 2013.– 279 б.

3-МАВЗУ: КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. (2 соат)

Режа:

1. Тарих таълимида мустақил таълим, унинг дидактик мақсади ва турлари
2. Мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш тартиби

Таянч тушунчалар: мустақил таълим, мустақил ишларнинг турлари, шакллари, намуналар бўйича мустақил ишлар, реконструктив-вариатив, эвристик (қисман, ижодий), ижодий тадқиқот.

1. Тарих таълимида мустақил таълим, унинг дидактик мақсади ва

турлари

Мустақил таълим - белгиланган ўқув топшириқларини талабалар томонидан мустақил ва ижодий (ёки профессор-ўқитувчининг кўрсатмасига мувофиқ) бажариш мавсадига йўналтирилган ўқув фаолияти бўлиб, унинг негизини таълим олувчининг мустақил ишлари ташкил этади. Мустақил ишлар ўқув – билув фаолиятининг бир тури, ўқув фаолиятининг ташкилий шакл – усули, билим ўзлаштириш йўли, воситаси сифатида намоён бўлади. Шунингдек, талабаларнинг мустақил ишлари дидактик мақсади, мустақил ўқув фаолиятининг даражаси, якка кишига ёки гуруҳга мўлжалланганлиги, ахборот манбаи, билим олиш методлари, шакл ва бажариш ўрнига кўра ҳам таснифланади, фарқланади.

Мустақил иш – муайян мавзуни ва фанни бутунлай ўрганиш жараёни вақтида амалга оширилади, талабалар муаммоли саволларни ҳал этишлари, маъруза ва семинар машғулотларида олинган билимларини мустаҳкамлашлари талаб қилинади. Мустақил иш давомида методик материалларда белгиланган муаммоли саволларни курсантлар мустақил равишда ҳал этадилар. Мавзу бўйича тавсия этилган адабиётларни ўрганиб чиқиш орқали ишни маъруза машғулотига тайёргарлик кўриш билан бошлаш зарур, чунки мавзунинг мазмунини ташкил этувчи саволлар тўғрисида умумий тасаввурларга эга бўладилар, сўнг эса мустақил иш пайтида мазкур методик материалларда кўрсатилган маъруза саволларини ўрганиб, уларнинг мазмунини чуқурроқ тушуниб оладилар.

Мустақил иш барча ўқув ишларининг яқунловчи шаклидир. Мустақил таълим жараёнида у ёки бу фан соҳасига доир ахборотларни тўплаш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, уларни мустаҳкам билимга, барқарор малака ва кўникмаларга айлантириш каби вазифалар амалга оширилади.

Мустақил таълим олиш малакалари зарурлиги:

1. Ўзбекистон Республикасининг олий таълимга доир меъёрий ҳужжатларида мустақил таълим, талабаларнинг мустақил ишлари ўқув

машғулотларининг турларидан бири, таълими олишнинг муҳим шакли, усули сифатида кўрсатилган.

2. Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 16 августда тасдиқланган дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар бакалаврият таълим дастурини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилган.

Магистратура таълим дастури мазмунига қўйиладиган умумий талаблар қаторида: “магистратура мутахассислиги бўйича илмий тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларга эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак... Мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиш” зарурлиги таъкидланган, Олий таъли муассасасини битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган давлат стандарти умумий малака талабларидан бири “янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши ҳисобланади.”

3. Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ бакалаврият сва магистратура таълими ўқув режаларида мустақил таълим, мустақил ишларга нисбатан кўпроқ вақт (соат) ажратилган.

4. Олий таълимнинг касбий таълим дастурлари: кундузги, сиртки, экстернат ва масофавий таълим шаклларида ўзлаштиришни мумкинлиги назарда тутилган (Меъёрий ҳужжатлар, 1-қисм, Тошкент, 1988. 88-бет). Шунингдек, олий таълим ҳақидаги низомда: “Талабалар билим эгаллаши, белгиланган муддатларда ўқув режалари ва таълим стандартларида кўрсатилган топшириқларнинг ҳамма турларини бажариши шарт” (Меъёрий ҳужжатлар, 1-қисм, Тошкент, 1988. 90-бет) дейилган.

5. Ўзбекистон Республикаси олий таълимни ислоҳ қилишга доир меъёрий давлат ҳужжатларидан келтирилган ушбу талаблар, фикрлар олий ўқув юртида мустақил таълим олишга катта эътибор бериш, талабаларни мустақил ишлаш методикаси билан қуроллантириш зарурлигидан далолат беради.

Мустақил таълимнинг турлари:

1. Маъруза мавзуси ва материали бўйича мустақил ишлар.
2. Амалий машғулотларга, семинар ва лаборатория ишларига тайёргарлик соҳасида мустақил ишлар.
3. Рефератлар, курс ишларини ёзиш бўйича ўқув топшириқларни бажариш.
4. Назорат ишлари (жорий, оралик, якуний назорат ишлар) соҳасида ўқув топшириқларни бажариш.
5. Малакавий амалиётлар билан боғлиқ ўқув топшириқларини бажариш.
6. Махсус курсни ўрганиш билан боғлиқ мустақил ишлар: маъруза мавзусига доир адабиётларни ўқиб, ўрганиб, бирор масала бўйича матн тайёрлаш, маъруза ўқишга ҳозирланиш кабилар.
7. Малакавий ишлари, магистрлик диссертациясини тайёрлаш соҳасида мустақил ишлар.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг биринчи тури – бу сиртдан қараганда фаолиятнинг алгоритми маълумотлари ва вазифалар шароитидан иборат, яъни дастлабки билимларнинг (билимларнинг биринчи босқичи) шаклланиши омиллари асосида талабаларда шаклланадиган ва улардан талаб қилинадиган малакаларни аниқлашдир. Бу мақсадга етиш учун талабалар томонидан идрок қилинадиган вазифаларни ечиш зарурлиги кўзда тутилади.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг иккинчи тури. Бунда ўзлаштирилган ахборотлар хотирада қайта ишлашга ва типик вазифаларни, яъни билимларнинг иккинчи босқичини бажаришга қаратилган билимлар шаклланади.

Мустақил ишларнинг иккинчи типи барча турларининг умумий тавсифномаси шундаки, бундай ишларда вазифаларнинг ҳал қилиниш ғояси (тамойили) эълон қилинади, талабалардан ушбу ғояни (тамойилни) ривожлантириб, конкрет шароитга татбиқ этиш усул ва усуллари талаб қилинади.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг учинчи тури

талабаларда учинчи босқич – типик бўлмаган вазифаларни бажариш чоғида шаклланадиган билимлардан иборатдир. Бу мақсадга талабалардан ўрганилаётган объектдаги ўзгаришлар сабабларининг алгоритм асосларини тузишни талаб қиладиган билиш (идрок қилиш) масалаларини ечиш жараёнида эришиш мумкин.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг тўртинчи тип ижодий фаолиятга омиллар яратишдир.

Бундай ишларни бажаришдаги талабаларнинг билиш фаоллиги шундан иборатки, бунда талабалар муҳокама қилинаётган объект моҳиятига тобора чуқур кириб боради, зарур бўлган янги, олдиндан номаълум бўлган ғояларни топиш ва янги ахборотларни юзага келтириш тамойилларини ҳал қилиш учун зарур бўлган янги алоқалар муносабатларни ўрнатади. Бунда талаба вазифаларни бажаришнинг ҳар бир босқичида ўзи яратиши лозим бўлган, унинг учун янги бўлган ҳаракатлар моҳияти, у ёки бу ахборот характери устида бош қотиришга мажбур бўлади.

Педагогикага оид адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги турлари қайд қилинади:

- *намуналар бўйича мустақил ишлар;*
- *реконструктив-вариатив;*
- *эвристик (қисман, ижодий);*
- *ижодий тадқиқот.*

Намуналар бўйича мустақил ишлар типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди.

Реконструктив-вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқишни, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тутаяди.

Эвристик мустақил ишлар маъруза, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Тадқиқий мустақил ишлар тадқиқот муаммосини кўра олиш малакасини, уни мустақил ифодалай олиш, фаразни белгилаб олиш, муаммонинг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишни мўлжаллайди.

Ижодий тадқиқот ишлари. Бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақозо қиладиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда масаланинг ҳал қилиниш йўллари қидиради, тадқиқ қилади. Бундай ишлар сирасига эксперимент қўйиш, жиҳозлар, макетлар ва дастгоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.

Мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш тартиби

Мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қуришда, ўқув-тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда талабаларнинг мустақил ишлари муҳим ўрин эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақил ишлар деганда шундай ўқув фаолияти тушуниладики, унда билимлар эгалланиши билан бирга, кўникмалар шакллантириш ҳам мустақил ташкил этилиши таъминланади. Бу эса амалиётда хусусий-дидактик мақсадларга боғлиқ равишда 4 та мустақил иш типиди амалга ошади.

Олий мактаб талабасида мустақил мустақил таълим олиш малака кўникмаларини шакллантириш ишларини режали ва аста-секин мураккаблаштириш, юқорилаб борадиган босқичлар (даражалар) шаклида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу жараён кўп қаватли бинонинг юқори қаватларига зинапоялар орқали кетма-кет, изчил чиқиб борилгани синнгари содир бўлади. Талабанинг мустақил таълим олиши босқичли (даражали) ташкил этилганда, масалан, қуйи курсларда – *биринчи босқичида* мустақил ишлар репродуктив даражада, яъни профессор-ўқитувчининг топшириғи ва кўрсатмасига биноан бажарилади; *иккинчи босқичида* - юқорироқ - маҳсулдор даражада масалан, танланган мавзу бўйича дарс ишланмаси лойиҳасини тайёрлаш каби мустақил ишлар шаклида; *учинчи босқичида* – яна юқорироқ – маҳсулдор, эвристик даражада, қисман ижодий изланишни талаб этадиган мустақил ишлар доирасида; ва ниҳоят *тўртинчи* – энг юқори ижодий

характердаги мустақил ишлар даражасида ташкил этилиши мумкин.

Олий мактабда талабаларнинг мустақил таълимни режали ва босқичли ташкил этилиши ундан кўзда тутилган таълим мақсадларини рўёбга чиқаришга, бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий-гуманитар ва касбий тайёргарлиги даражасини юқори кўтаришга, таълим-тарбиянинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Маъруза тингланиши вақтида ундаги айрим назарий масалаларни тушуниб олиш қийин бўлиши мумкин. Маъруза жараёнида тушуниш қийин бўлган, ноаниқ жойларни белгилаб қўйиш, маърузадан кейин мустақил ишлаш, китоб ўқиш, алоҳида суҳбатлар, маслаҳат (консултатсия)лар ёрдамида ўзлаштиришнинг юқорида доирасида эгаллаш лозим.

Мустақил ишларни самарали ташкил этишнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

- *мустақил ишларнинг илмийлиги, унинг тадқиқий характери;*
- *мустақил равишда ўз билимларини янада ошириб боришга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши;*
- *мустақил ишлар вазифаларини индивидуаллаштириш;*
- *мустақил ишларни ташкил этишга методик раҳбарлик қилиш.*

Олий мактабдаги ўқув жараёни **мустақил таҳсил**ни ташкил этилишини ҳам кўзда тутади. Талабаларнинг мустақил таҳсили уларнинг ўз билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилиши сифатида қаралади.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади талабаларнинг шахсий ва касбий сифатларини ўстиришдир. Мустақил таҳсилнинг вазифалари: *шахснинг интеллектуал имкониятларини янгилаш, уларнинг зоявий-назарий савиясини ошириш, касбий маҳорати ва маданиятини такомиллаштириш.*

Мустақил таҳсил бўйича машғулотларнинг изчиллигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида унинг режаси тузилади.

Режага қуйидаги талаблар қўйилади:

- *режаслаштирилаётган ишларнинг ҳажми ва олдинма-кетинлиги;*
- *уларнинг бажарилиши муддатлари;*
- *мустақил фаолиятнинг ҳар бир турига мақсадли кўрсатмалар бериши.*

Мустақил таҳсил жараёни унинг аниқ шакли, методлари ва усулларини қамраб олиши шарт.

Мустақил таҳсилнинг асосий методи **адабиётлар устида индивидуал ишлаш**дир. Бу метод ахборотлар оқидамида энг муҳим ахборотни топиш, унга тўғри баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради. Қўлга киритилган ахборотлар асосида мустақил машқ қилиш методларидан фойдаланиш имконини беради. Бу методдан фойдаланиш амалий фаолиятида зарур бўладиган сифат кўрсаткичларини таъминлайди. Шунингдек, мустақил таҳсилга амалий аҳамиятга молик бўлган вазифаларни бажариш ва аудиовизуал ускуналар билан ишлаш ҳам киради.

Мустақил таҳсилнинг муҳим методларидан бири уларнинг **мулоқотидир**. Мустақил таҳсилнинг пировард мақсади талабаларни ижодий изланишга, ўзи устида ишлаш, ҳар томонлама тадқиқот юритишнинг моҳиятини англашга тортишдир.

Шундай қилиб, мустақил ишлар ўқитишнинг энг муҳим методи бўлиб, унда талабалар машғулотларга тайёрланиш, олинган билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш жараёнида уларнинг индивидуал фаоллиги ошади.

Назорат саволлари:

1. ДТСда талабаларнинг мустақил таълим олишларига доир талабларни айтинг.
2. Мустақил таълим тушунчасини изоҳланг.
3. Мустақил таълим, унинг дидактик мақсадини изоҳланг.
4. Мустақил таълим, унинг турларини айтинг.
5. Мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш тартибини тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Очилов М., Очилова Н. Олий мактаб педагогикаси / Дарслик. – Тошкент: Алоқачи, 2008. – 262 б.
2. Асқарова Ў.М., Хайитбоев М., Нишонов М.С. Педагогика / Дарслик. – Тошкент: Талқин, 2008. – 288 б.

4-МАВЗУ: ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИ ЎЗЛАШТИРГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ. (2 соат)

Режа:

1. Дарс - ўқув ва тарбиявий ишнинг асосий ташкилий шакли. ОТМда тарихдан ўқув машғулотларини ташкил этиш шакллари
2. Маъруза ва унинг асосий вазифалари, самарадорлик шартлари.
3. Семинар машғулотларининг ўзига хос хусусиятлари.
4. Амалий машғулот, лаборатория ишлари, малакавий амалиёт.

Таянч тушунчалар: дарс, анъанавий дарс, ноанъанавий дарс, маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория, малакавий амалиёт, тарих фанининг таълим-тарбия вазифалари, илмийлик, тарихийлик, методологик, кўрсатмалилик.

1. Дарс - ўқув ва тарбиявий ишнинг асосий ташкилий шакли. ОТМда тарихдан ўқув машғулотларини ташкил этиш шакллари

Дарс – ўқув ишининг асосий ташкилий шакли бўлиб, унда ўқитувчи аниқ белгиланган дарс доирасида ўқувчиларнинг доимий таркиби билан қатъий жадвал бўйича шуғулланади, жамоавий билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув дастурига ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади. Дарс таълим ва тарбия жараёнининг махсус шакллари эса дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади⁴.

Тарих курси олдига қўйилган таълим – тарбия вазифаларини амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳар бир синфда ўқитиладиган тарих курсининг тутган ўрни, унинг таълим-тарбиявий вазифалари, ҳар бир боб ва улардаги мавзулар, ҳатто ҳар бир дарсда ўтиладиган мавзунинг ҳам таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалари олдиндан аниқ белгилаб олингандан

Qarang: ⁴ Toshpo'latov T., G'afforov Ya. Tarix o'qitish metodikasi. (bakalavriat yo'nalishidagi talabalar uchun o'quv qo'llanma). – Toshkent: O'zMU - Universitet, 2002. – 190 b.

кейин тарих ўқитишга киришиш мақсадга мувофиқ бўлади⁵.

Тарих таълимида ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш биринчи навбатда ўқитувчининг ҳар бир дарснинг таълим-тарбия вазифаларини олдиндан аниқ ва тўғри белгилаб ола билишига боғлиқ. Бу ҳам, ўз навбатида, ўқитувчининг дарснинг таълим-тарбия вазифаларини тўғри белгилаш методи ва усуллари ҳақидаги пухта назарий билим ва малакаларининг даражасига боғлиқдир.

Дарс ўқув жараёнининг асосий бўғини сифатида ёшларга фан асосларини ўргатишда муҳим ўрин тутади. Тарих дарсига қўйиладиган дидактик талаблар бу - илмийлик, тарихийлик, методологик, кўрсатмалилик, ўқувчиларни билиш имконияти ва ёш психологик хусусиятлари, узвийлик ва узлуксизлик, тарихни замон ва макон контекстида боғлаш, таълим ва тарбия мақсадига эга эканлигидир.

Ҳар бир дарсга тайёрланишда ДТС ва ўқув дастурининг ўқитиш хатидаги кўрсатмалар назарда тутилади. Дарсни тайёрлаш ва ўтказишда ўқитувчининг ўз предмети бўйича ўқув дастурининг ҳар бир мавзусига тайёрланиши, ҳар бир дарсга тайёрланишини талаб қилади.

Ҳар бир алоҳида дарсга тайёрланишда ўқитувчи қуйидаги ишларни амалга оширади:

- Мавзудан келиб чиқиб мақсад ва вазифаларни конкретлаштиради;
- ўқув материали мазмунини ажратади ва уни дидактик жиҳатдан ишлаб чиқади (етақчи тушунча, қонуният, факт ва амалий маълумотларни ажратади);
- илгари ўрганилган билан боғланишни, мазмунни жойлаштириш мантиқини назарда тутади;
- ўқувчиларнинг ўқув - билиш фаолиятлари характерини аниқлайди, яъни қандай кўникма ва малакалар шаклланишини, репродуктив ва изланиш фаолияти, мустақил иш ва ўқитувчининг роли ўртасидаги нисбат қандай бўлишини ўйлаб қуяди.
- дарс шакли, воситаси, метод ва усуллари аниқлайди;
- ўқитиш методлари: масала, машқ, муаммоли саволлар, топшириқларни танлайди ва аниқлайди.

- дарс жараёнини лойиҳалаштиради ва режалаштиради.

Яхши тайёрланган дарсни яна уюшган ҳолда аниқ ва самарали ўтказиш ҳам керак. Бунда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

- 1) дарсни аниқ ва уюшган ҳолда бошлаш, бунинг учун эса дарсга ҳамма нарсани олдиндан тайёрланган бўлиши керак;
- 2) ўқувчилар эътиборини дарс мазмунига қарата билиш ва уни бутун дарс давомида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини активлаштириб сақлай билиш.
- 3) дарсда вақтдан оқилона фойдаланиш;
- 4) ўз ҳатти – ҳаракатини кузатиш. Юксак маънавият, ахлоқийлик ва маданият, гапириш ва талаб қилиш, рағбатлантириш, ўқувчиларга мурожаат

⁵ Sagdiev A., Fuzailova G., Hasanova M. Tarix o'qitish metodikasi. – Toshkent: TDPU, 2008. - B. 37-47.

қилиш услуби буларнинг барчаси ўқитувчи фаолиятининг услубини белгилайди, ҳамда ўқувчиларнинг зўр бериб ишлаши ёки ўта эмотсионал қўғолувчанлигини истисно қилади.

5) дарсда тадбиркорликни намойиш қилиш юзага келган шароитни дарсни ўтказиш шароитларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш зарур.

Таълим тизимида тарих курси олдига қўйилган таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳар бир дарснинг таълим-тарбия вазифаларини, шунингдек, унинг бошқа дарслар тизимида тутган ўрнини аниқ белгилаш ва шу вазифаларни амалга оширишдан иборатдир. Лекин ҳар қандай тарбиявий вазифани ҳам, бир ёки бир неча дарсда ёки синфдан ташқари машғулотларда ўтказиладиган айрим тадбирлар воситасида батамом мукамал ҳал қилиб бўлмайди.

Ҳар бир тарих дарси ва дарсдан ташқари машғулотларда тарих ўқитишнинг мақсади бу таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлашдир. Илмий дунёқарашнинг асосини ташкил этувчи муҳим тушунчаларни ўқувчилар аста-секинлик билан, бир қанча дарслар давомида ўзлаштириб боради, янги тушунчалар кейинги дарс материаллари асосида конкретлашиб, янги мазмун билан тўлдирилади. Кейинги дарс ўқувчиларнинг аввалги дарсларда олган билими, орттирган малакаларини кенгайтиради, уларда янги тушунчалар ҳосил қилади. Ўқувчилар тарихий жараёнларни кенг ва чуқурроқ тушунадиган бўлиб боради.

Дарс ўқувчиларнинг доимий таркиби, машғулотларнинг аниқ белгиланган олдиндан тузиладиган жадвал ва ўқув ишлари бирор аниқ мавзуда ташкил этилиши каби ўзига хосликларга эга бўлган таълимнинг жамоа шакли ҳисобланади.

Ўқув машғулотларида талабалар ўрганилаётган билим асосларини эгаллашлари, зарур билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишлари учун замин яратилади.

■ **Билим** – атроф муҳит қонуниятлари, қонунлари, ҳодисалари, далиллари шунингдек, фаолият усуллари ҳақидаги тушунча ва тасаввурларнинг ўзлаштирилиши, тизимга солиниши ҳамда хотирада мустаҳкамланиши

■ **Кўникма** – таълим олувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатини муайян шароитда мақсадга мувофиқ бўлган ҳаракат усулларида фойдаланиб, муваффақиятли бажариш қобилияти

■ **Малака** – таълим олувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатини аниқ, тез ва мақсадга мувофиқ тарзда автоматик равишда бажариш қобилияти

Олий мактабдаги ўқув машғулотларининг шаклларига маъруза, семинар, амалий, лаборатория иши, маслаҳат, ўқув педагогик амалиёти, мустақил иш, назорат иши курс иши, битирув малакавий ишни тайёрлаш, магистрлик диссертациясини тайёрлаш киради.

2. Маъруза ва унинг асосий вазифалари, самарадорлик шартлари

Маъруза – олий ўқув юрти таълим тарбия жараёнида кенг қўлланиб

келаётган шакллардан биридир. Маърузаларда қатнашиш мажбурий ҳисобланиб, унда талаба касбий тайёргарлик учун зарур бўлган билимларни эгаллайди. Маърузалар мазмунида муайян фандаги муаммолар, нуқтаи назар, манбалар, ғояларнинг мазмуни очиб берилади, умумлаштирилади.

Маъруза – ўқув машғулотларининг муҳим турлари сифатида фаннинг методологиясини очиб беради, шунингдек, ўрганилаётган фан бўйича илмий билимлар беради, дунёқарашни шакллантиради, ўрганилаётган мавзунинг энг муҳим масалаларини кенг таҳлил қилади, курсантларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради, материални мустақил ўрганишнинг асосий йўналишлари ва методикасини кўрсатиб беради. Шу билан бирга, маъруза машғулотларида кўриб чиқиладиган саволларнинг асосий илмий-назарий қоидалари ва уларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги амалий аҳамияти очиб берилади ва мазкур фан бўйича мавзулар режасида назарда тутилган тегишли мавзуларни ўрганиш бўйича тавсиялар берилади.

Маъруза – у ёки бу илмий масалани тўғри, мантиқий изчилликда ва аниқ изоҳлаб бериш бўлиб, бунда ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда ўқитишнинг йўналтирув, ахборот бериш, методологик ва тарбиялов функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Маъруза - ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланиб, қуйидаги вазибаларни амалга оширишга имкон беради:

- *йўналтириши* - талабаларнинг диққати ўқув материалининг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади.

- *ахборот бериши* - ўқитувчи томонидан асосий илмий фактлар, қоидалар, ҳулосаларнинг моҳиятини очиш чоғида амалга оширилади.

- *методологик* - маъруза вақтида ўқитиш усуллари таққосланади, илмий изланишнинг асослари намоён этилади. Қўллаш тадқиқот методларини қиёслаш, чоғиштиришга, илмий изланишнинг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради.

- *тарбияловчи* - маъруза жараёнида ўқув материалига ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиш, қизиқишларини ўстириш, мантиқий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

- *ривожлантирувчилик* - билим олиш қизиқишларини, яъни мантиқий фикрлаш ва исботлаш, интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Маъруза жараёнида профессор-ўқитувчи билан талаба ўртасида бевосита алоқа ўрнатилади, маъруза мазмунида ҳали дарсликка кирмаган янги фикр ва ғоялар, янги нуқтаи назарлар баён қилинади. Маъруза талабага билимлар оламига кириш йўллари кўрсатади. Маърузачи ўқув дастурининг бутун мазмунини эмас, балки муҳим, мураккаб жойларини аниқлаб, уни очиб беради,

фандаги фарзларни келтириб, мустақил фикр юритишга ундайди, муаммолар кўйиб, уни ҳал қилиш йўллари кўрсатади.

Айниқса, қуйи курс талабалари учун маърузалар муҳим рол ўйнайди, чунки маъруза талабани фан оламига олиб кириш билан бирга билимларни мустақил эгаллашнинг манбалари, йўллари, воситаларини кўрсатади. Профессор-ўқитувчи маърузада қарама-қарши фикрлар, нуқтаи назарларни айтади, талаба манбалар устида мустақил ишлаш, танқидий фикрлаш йўли билан илмий хулосага келади.

Олий мактабда маъруза ўқиш, одатда юқори малакали, тажрибали ўқитувчилар (фан номзодлари, докторлар, доцентлар, профессорлар)га топширилади. Маърузада ҳозирги замон фани - мамлакатимиз ва чет эл олимларининг эришган муваффақиятлари ҳақида илмий ахборотлар бериледи.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маърузада ҳал қилинадиган **асосий вазифалар** қуйидагилардан иборат:

- *илмий билимларнинг муайян миқдори баён қилинади;*
- *талабаларга фан ва тадқиқотларнинг методологияси таништирилади;*
- *ўқув фаолияти ва ўқув машғулотларининг барча турлари орасидаги методик алоқалар кўрсатилади.*

Маъруза дидактик мақсади, ўқитиш жараёнидаги ўрни, ахборотларни баён қилиш методларига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Дидактик мақсадига (йўналганлигига) кўра кириш, тематик ва умумий - якуний маърузалар фарқланади.

Кириш (муқаддима) маърузада курс (бўлим, мавзу)нинг илм-фан тизимидаги ўрни, ушбу материални амалиётда қўллаш имкониятлари, курс (бўлим, мавзу) мазмунини ўрганиш методлари очиқ бериледи. Бундай маърузанинг муҳим хусусияти шундаки, унда ўқитувчи асосий масаланинг у ёки бу томонларигагина тўхталади, бу масалалар кейинчалик албатта деталма-детал ёритиб бериледи.

Мавзулар (тематик) маърузалар айниқса, кенг тарқалган. Бундай маъруза у ёки бу мавзуга бағишланган бўлиб, унда фактлар, уларнинг таҳлиллари, хулосалар мазмуни баён қилинади ва конкрет илмий қоидалар исботланади.

Умумий-якуний маъруза аввал ўрганилган материалларни қайтадан умумлаштиришга қаратилган бўлади. Унинг мазмуни аввал баён қилинган мазмунга ўхшамайди, балки талабалар томонидан ўзлаштирилган ахборотларни юксак абстракциялаш мавҳум босқичида тизимга туширилади. Бундай маърузалар талабалар билимининг чуқурлашишида ва ўқув фани методологиясини яхши тасаввур қилишда алоҳида аҳамиятга молик бўлади.

Ахборотларнинг баён қилинишга кўра *маърузалар догматик, ахборот ва намойиш қилиш ва муаммоли* маърузалардан иборат бўлади, лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир маърузанинг ўзига хос хусусиятларини қайд қилган ҳолда, улардаги умумий жиҳатларни ҳам фарқлаш лозим, чунки маъруза ўқиш ва уни лойиҳалаш жараёнида уларни амалга оширмасдан бўлмайди, улар қуйидагилар:

- *илмийлик;*

- қулайлик;
- касбий йўналтирилганлик;
- оқибатли алоқани амалга ошириш.

Маърузани фаоллаштириш, қизиқарли ва самарали ўтказиш учун нималар қилиш керак?

1. Авваломбор қуйидаги дидактик талабларни бажариш керак.

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- таълим олувчилар учун аниқ тузилмага келтирилган машғулот (кириш, асосий саволлар, асосий жойлар, яқун ва хулосаларни ажратиб кўрсатиш);
- мустақил ўқиш учун мавзу, мақсад, вазифа ва маъруза режаси, адабиётларни маълум қилиш;
- режанинг ҳар бир қисмидан сўнг умумлаштирувчи хулосалар қилиш;
- маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтишда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- ёзиш зарур бўлган жойларни: асосий тушунча, ифода, вақт, далиллар ва бошқ. айтиб туриш.

2. Фаол таълим усуллари қўллаш

- муаммоли маъруза
- анжуман-маъруза
- конспектсиз маъруза –
- муаллифлик маърузаси
- мунозарали маъруза
- қайтар алоқадан фойдаланилган маъруза
- аниқ вазиятларни кўриб чиқиш маърузаси
- маъруза-суҳбат

3. Таълим бериш воситаларидан фойдаланиш

- видео
- графопроектор
- флип-чарт ва бошқ.

4. Маърузага талабалар иштироки элементларини киритиш керак:

- саволлар бериш ва талабалар жавобларидан фойдаланиш;
- бунда уларнинг аҳамиятини кўрсатиш;
- вақтинча эркин фикр алмашишга рухсат бериш, бу зўриқишни пасайтиради ва ҳиссий куч беради;
- аниқ ҳолатларни, жумладан муаммоли вазиятларни аниқлаш, ҳар кунги ҳаётдан мисоллар келтириш;
- талабаларда саволлар беришга қизиқишни уйғотиш;
- аввал ўрганилганлар билан, яъни янги ҳолат ва далилларни таққослаш.

3. Семинар машғулотларининг ўзига хос хусусиятлари

Семинар - ОЎЮда таълимнинг амалий шакл ва усуллари билан бўлиб, дастур материали жиддий ва чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради. Олий таълимнинг

давлат таълим стандартига биноан бакалавриат йўналишлари, магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларида семинар ва амалий машғулотларга кўпроқ вақт (соат) ажратилади.

Семинар машғулотлари – ўқув фанларининг асосий, энг мураккаб мавзулари ёки бўлимлари бўйича ўтказилади ва курсантлар томонидан маърузаларда ҳамда мустақил иш жараёнида олинган билимларни текшириш, чуқурлаштириш, мустаҳкамлашни, материални мустақил равишда ўзлаштиришга кўмаклашишни, шунингдек, тинловчиларга материални оғзаки баён қилиш, баҳс олиб бориш кўникмаларини беришни мақсад қилиб қўяди. Мунозара машғулоти ижодий муҳокама, фаол дискуссия, курсантлар олдиндан тайёрлаган маърузалар (рефератлар) бўйича фикр алмашиш ва бошқа интерактив шаклларда ўтказилади. Семинар машғулоти амалий машғулот элементларини ўз ичига олиши мумкин (масалалар, топшириқлар бажариш ва ҳақозо). Семинар машғулотлари давомида талабалар фаннинг асосий қоидалари ҳақидаги назарий билимларга эга бўлишлари керак. Талабалар мунозара машғулотига тайёрланганда режада кўрсатилган саволларни ўрганиб олишлари ва мавзуга оид илмий адабиётлар, қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилган ҳолда уларга ёзма равишда жавоб ёзишлари лозим.

Семинар - таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи, машғулотни ўқитиш шаклидир. *Семинар машғулотининг асосий мақсади* - назарий материални (билимларини) тартибга солиш, амалий малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш, билимларини назорат қилишдир.

Семинар қуйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

- *маърузада баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;*
- *фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;*
- *талабаларнинг илмий-тадқиқот, билиш қобилиятларини ўстириш;*
- *назарий ўқитиш жараёнида эгалланган билимларнинг амалиётда тан*

олиниши.

Семинар машғулотларига тайёрланиш талабадан жиддий тайёргарликни талаб этади. Талаба мавзуга тегишли марихий манба, тадқиқотларни чуқур ўрганиши, ёзиб келиши ва фикрини илмий далиллар билан асосли рақишда оғзаки баён этиши зарур. Семинар машғулоти баҳс-мунозарали тарзда бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Семинарда талабалар фаол қатнашиши талабанинг ўзлаштириш сифатини ва нутқ маданиятини оширади. Бунда кичик гуруҳларда ишлаш, педагогик технологиялар ва АКТ ютуқларидан кенг фойдаланиш замон талабидир.

Педагогика назарияси ва амалиётида семинар машғулотларининг уч тури фарқланади: *семинаролди машғулоти, семинар ва махсус семинар.*

• **Семинаролди** машғулотлари, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш

усуллари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинаролди машғулотлари семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади.

- Семинаролди машғулотларида ўқитувчи етакчилик қилади, чунки талабалар муайян ихтисослик бўйича ўқув ишларига кам эътибор берадилар, шунинг учун ҳам етарли даражада ташаббус кўрсата олмайдилар.

- **Семинар машғулотларида** семинаролди машғулотларига нисбатан ўта муҳим вазифалар ҳал қилинади. Масалан, айрим семинарлар тематик боғланган муайян мунтазам курсни чуқур ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бошқалари эса бирор мавзунинг ёки курснинг алоҳида ва ниҳоятда муҳим ва умумий бўлган мавзуларини методологик жиҳатдан ишлаб чиқишга бағишланган бўлади.

- **Махсус семинарлар** маъруза мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фаннинг дастури мазмунига кирмайди. Одатда фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадини кўзлайди.

Талабаларнинг семинар машғулотларида бўйича изоҳлар қуйидагича бўлиши керак:

- *мустақил фикрлашга йўналтириб туриш;*
- *тавсия этилаётган масаланинг моҳияти ва шаклини аниқлаш;*
- *талабалар баҳсидаги нуқтаи назарларни дарров фарқлаб олиш;*
- *масаланинг ностандарт ҳал қилинишини рағбатлантириш.*

Семинар машғулотларида талабаларни фаоллаштириш, мақсадида улар томонидан рефератлар ёзиш, уларни муҳокама қилиш ва тақриздан ўтказишга ҳам жалб этилади. Шунингдек тақдимот асосида ҳам тайёргарлик кўриш талаб қилинади.

Семинарнинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар:

- таълим берувчининг тайёргарлиги, бунда савол-жавоб техникасига эга бўлиши;

- таълим олувчилар гуруҳининг ҳолати, унинг мотивацияси, фаолиятни ташкил этиш хусусиятлари;

- ўқув жараёнининг техник жиҳозланганлигига боғлиқдир.

- семинар машғулотини самарадорлиги - бу ҳар бир семинар иштирокчиси учун энг кўп индивидуаллик самарадорлиги ҳисоби билан, белгиланган мақсадларга эришиш.

Семинар машғулотлари қандай хусусиятларга эга? Биринчидан, талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириш ва таркиблаштириш, мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш бўлса, иккинчидан аввал ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва таркиблаштириш, мавзунинг назарий тушунчаларини ички ўзаро боғлиқлигини ва мавзунинг курснинг бошқа мавзулари ёки бошқа фанлар билан боғлиқлигини аниқлашга қаратилган бўлади.

4. Амалий машғулот, лаборатория ишлари, малакавий амалиёт

Олий мактаб ўқитиш тизимида семинардан фарқли ўлароқ **амалий** (машқ, лаборатория) машғулот тури ҳам кирадики, улар: таълимий, тарбиявий ҳамда назарияни амалиёт билан боғлаш функцияларини бажаради.

Амалий машғулотлар - олий мактабда маърузалар мазмунидаги муҳим масалаларни чуқурроқ ва пухта ўрганиш, талабаларнинг билим ўзлаштириши, мустақил ишларининг сифатини аниқлаш ва тўлдириш, мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилади. Амалий машғулотлар одатда, кичик гуруҳларда олиб борилади. Бу машғулотларда талабалар билимини чуқурлаштиришга қаратилган мустақил ишлаш малакасини эгаллашга; тарихий манба, хрестоматия ва тадқиқотлар билан ишлаш, фактлар, илмий ахборотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш, тизимлаштириш, умумлаштиришга ўргатади.

Амалий машғулотларнинг маърузадан фарқланадиган асосий меъёрларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характер билан намоён бўлишдир. Улар вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини синаш учун ҳам хизмат қилади.

